Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 146 (8886). ✦ 1986 йил 29 июль, сешанба Баҳоси 3 тийин

Бригаданинг аҳди 40 центнер

ҒАЛАБА районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозининг Сафар Камеков бошчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари бу йил 118 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 33 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил йиғиштириб олиш учун курашмоқдалар. Айни кунларда бригада далаларида бўлсангиз ҳамманинг мўл ҳосил учун мустаҳкам замин ҳозирлаётганлигини кўрасиз. Тажрибали механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусаттор Сулаймонов гўза қатор ораларига сифатли ишлов беряпти. Бригадада экинни минерал ўғитлар билан озиқлантириш якунланди.

Сувчиларнинг иши ҳам қизғин. Юнусали Тешабоев, Ҳалил Мамбетов, Анвар Саидхўжаев, Қутбиддин Мирзаахмедов сингари сувчилар гўзаларни асосан тунда суғормоқдалар.

— Пахтакор ҳар бир ишни ўз ўрнида қилиши керак, — дейди бригада етакчиси. — Акс ҳолда шошиб қолиб натижада ишнинг сифатсиз ўтказилиши ҳеч гап эмас. Айни кунларда сувнинг бир кун ёки культивациянинг икки кун кечикиши ҳар гектар ердан ўртача 3—4 центнер ҳосилнинг йўқотилишига олиб келади.

Бригадада зараркунанда ҳашаротларга қарши махсус группа қураш олиб бормоқда. Шунингдек, гўза чеканкасига ҳам пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

О. НУРУШЕВ.

ШАҲАР БАЙРОҒИДА ВАТАН МУКОФОТИ

ВЛАДИВОСТОК, 28 июль. (ТАСС). Яхшиланиш сари туб бурилишга эришиш, олға томон ҳаракатимизга халақит бераётган ҳамма нарсаларни бартараф этиш — Совет Приморьеси меҳнаткашларининг азму қароридир. Бутун мамлакатда бўлгани каби улар ҳам қайта қуришга киришдилар, партия XXVII съездининг социал-иқтисодий йўлини аниқ-пухта амалга ошириш, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель ва 1986 йил июнь Пленумлари қарорларини рўёбга чиқариш бу ишнинг натижаларига боғлиқ бўлади.

Шаҳар меҳнаткашлари хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлари учун ва уларнинг Узоқ Шарқ экономикасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлигини нишонлаб, Владивосток шаҳри Ленин ордени билан мукофотланди. Бугун драма театрига меҳнат интизоми, юксак ижро интизоми билан кўпчиликка намуна бўлган кишилар тўпландилар. Шаҳарнинг донгдор кишилари, ишлаб чиқариш пешқадамлари, новаторлар, социалистик мусобақа ғолиблари, КПСС ўлка комитети ва шаҳар комитети бюросининг аъзолари, олимлар, маданият арбоблари, ҳарбий бошлиқлар президиумдан жой оладилар. Корея Халқ армияси Ҳарбий-Денгиз Флотининг қўмондони адмирал Ким Ир Чхоль ҳам шу ерда. Унинг қўмондонлигидаги кемалар отряди Владивостокка дўстлик визити билан келган.

Шаҳар партия, совет, жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари вакилларининг тантанали мажлисини КПСС Владивосток шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Беспалов очди.

Сўз КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевга берилади. У СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Владивосток Ленин ордени билан мукофотланганлигини айтди ва шаҳар байроғига Ватаннинг юксак мукофотини қадаб қўйди.

Ўртоқ М. С. Горбачев нутқи зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

— Юксак мукофотга сазовор бўлган узоқ шарқликларнинг меҳнатига балиқчилар ҳам салмоқли ҳисса қўшганликларидан фахрланаман, — деди «Рыбак Владивостока» базасининг ишчиси, КПСС XXVII съезди делегати Н. П. Гаршина. У меҳнат унумдорлигини ошириш учун олиб борилаётган социалистик мусобақа ҳақида гапириб берди. Сизиб юрадиган заводларда фойдаланилаётган асосий резервлардан бири ускуналарни модернизациялашдир. Бу — хом ашёдан оқилона фойдаланиш ва маҳсулот сифатининг ҳамиша юқори сифатли бўлишини таъминламоқда.

М. С. Горбачев нутқ сўзлаётган пайт.

— Навбатдаги мураккаб вазифани бажараётган узоқ шарқлик денгизчилар яна ҳам яхшироқ ишлаш мумкинмиди, деган ўй билан камчиликларни тахлил этадилар, деди «Адмирал Макаров» музёрар кемасининг капитани В. И. Абоносимов. — Шу тариқа янги имкониятларни қидириб топмоқдамиз. Қўшимча капитал маблағларсиз БАМ юкларини ташишга тайёрмиз. Гап миллион-миллион тонна кўмир, ёғоч-тахта, пайраха, жуда кўп контейнерлар хусусида бормоқда.

Йиғилишда Владивосток шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Беспалов, денгиз учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ю. И. Чурилов, КПСС Приморье ўлка комитетининг биринчи секретари Д. Н. Гагаров сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига йўллаган мактубда Владивосток меҳнаткашлари ўлкани комплекс ривожлантириш суръатларини оширишга ваъда бердилар.

Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВнинг

Владивостокка Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқи

Азиз ўртоқлар!

Анчадан буён Узоқ Шарққа келиш ниятим бор эди. Гап фақат одамнинг ўзи бўлмаган жойларга боришга интилишида, қўрмаган нарсаларига қизиқишида эмас, сизларнинг жуда катта ва гўзал ўлкангиз билан танишмай туриб, Ватан, унинг тарихи, бугунги куни ва келажаги тўғрисидаги тасаввурнинг тўла бўлиши мумкин эмас.

Биз онгимизда Узоқ Шарқни ҳамиша Советлар мамлакатининг Болтиқ ва Қора денгиздан Тинч океангача бепоён кенгликлари билан, мана шу ўлкани обод қилаётган ва ҳимоя этаётган кишиларнинг мардлиги, меҳнатсеварлиги ва матонати билан, бугунги ишларнинг янгилиги ва кўлами билан боғлаймиз. Владимир Ильич Ленин Владивосток шаҳрини алоҳида бир самимият билан «ўзимизники», деб атаган эди.

Ватандошларимизнинг — Тинч океанга йўл очган дастлабки кишиларнинг жасорати халқ хотирасида ҳамиша сақланиб қолади. Спасск ҳукум тунлари ва Волочаевка кунлари, дастлабки беш йилликларда ўлканинг жадал ўзлаштирилиши, бизнинг мана шу жойлардаги чегарачиларимизнинг жанговар меҳнати ҳеч қачон унутилмайди. Москва ва Сталинград остоналарида, иккинчи жаҳон урушининг Шарқдаги якунловчи жангларида курашган Узоқ Шарқдаги дивизиялар ва Тинч океан денгизчиларининг мардлиги ва жасорати халқ хотирасида абадий яшайди.

Тарих номсиз бўлмайди. Узоқ Шарқ — бу Дежнев, Хабаров, Невелскийларнинг мардона образларидир. Узоқ Шарқ—бу Лазо ва Постишев, Суханов ва ака-ука Сибиряковлар, Бонивур ва Часовитин, Блюхер ва Уборевичларнинг шонли номлари билан боғлиқдир. Бугунги кунда ўз намунаси билан бошқаларни эргаштириб бораётган кишилар орасида партия ветерани, Гражданлар уруши қатнашчиси Иван Андреевич Чуйринин, балиқ овлаш кемаларининг капитани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Юрий Петрович Волков, кема корпусчилари бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анатолий Андреевич Белов, пардозловчилар бригадири, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат Галина Владимировна Меркулова, СССР халқ ўқитувчиси Николай Николаевич Дубининлар номини тилга олиб ўтишни истайман.

Арсеньев билан Фадеев тавсифлаган Узоқ Шарқ ўлкаси ҳамиша совет кишилари қалбига яқин ўлка бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Мен ҳам Приморьеда бўлиш, сизларнинг турмушингиз ва меҳнатингиз билан, бугунги кунда бу ўлкада қандай ишлар қилинаётганлиги ва эртага қандай ишлар қилиниши билан танишиш имкониятига эга бўлганимдан хурсандман. Бинобарин КПСС XXVII съезди белгилаб берган режаларда Сибирь каби Узоқ Шарққа ҳам алоҳида аҳамият берилган.

Шу кунларда мен корхоналарда, кемаларда, институтларда, ниҳоят кўчалар ва майдонларда кўпгина амалий ва қизиқарли учрашувлар ўтказдим. Уларнинг айримлари режалаштирилган, баъзилари режалаштирилмаган учрашувлар эди. Шуни айтишим лозимки, булар зарур, ошкора, дўстона учрашувлар бўлди. Ҳамма нарса ҳақида, айтиш мумкинки, очиқ-ойдин гаплашиб олдик. Гап иш тўғрисида борганда шундай бўлиши ҳам керакда. Бунинг устига суҳбатларимиз қайта қуриш билан боғлиқ бўлган ҳозирги ишларимиз тўғрисида бормоқда.

Бугунги учрашувимизга келганда эса бу учрашув тантанали воқеа — Владивосток шаҳрига Ленин ордени топшириш муносабати билан бўлмоқда. Шаҳар меҳнаткашларининг хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлари, Узоқ Шарқ экономикасини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссалари учун Владивосток мана шу олий мукофотга сазовор бўлди. Партиямиз Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумининг топшириғини зўр мамнуният билан бажараман. **(М. С. Горбачев тўпланганларнинг қарсаклари остида шаҳар байроғига ордени қадаб қўйди).**

Сизларни, эндиликда қўш орденли Владивосток шаҳрининг барча аҳолисини чин қалбимдан табриклайман! Байроғингиздаги Ленин ордени муносиб мукофот бўлиб, у ажойиб шаҳарнинг ажойиб кишилари — денгизчилар, кемасозлар ва балиқчилар, машинасозлар ва энергетиклар, қурувчилар ва транспортчилар, олимлар, врачлар ва педагоглар, ветеранлар ва ёшларнинг фидокорлиги ҳамда ғайрат-шижоатли меҳнати учун берилган мукофотдир. Чегарачилар, Узоқ Шарқ ҳарбий округи ва Қизил Байроқ орденли Тинч океан флоти жангчилари ҳақли равишда бу шон-шарафга шерикдирлар. Бу мукофот мамлакатнинг Тинч океан соҳилларини ўзлаштириш, ҳимоя қилиш ва ўзгартириш учун озмунча ишларни қилмаган кўплаб авлодларнинг қутлуғ зафарларига берилган мукофотдир.

Ҳозирги Владивосток — замонавий индустриал, маданий ва илмий марказ, йирик порт, Совет Приморьесининг юраги ва қалби, мамлакатимизнинг ажойиб шаҳарларидан биридир. Ватан мукофоти сизлар учун илҳомбахш янги манба бўлиб қолсин.

Партия Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг табригини, меҳнатда янги муваффақиятларга, шаҳар, меҳнат коллективлари, ҳар бир оила ҳаётида янги ажойиб ютуқларга эришишингизни тилаб билдирилган истакни қабул қилгайсиз.

Ўртоқлар!

Марказий Комитет апрель Пленумидан кейин бир йилдан сал кўпроқ, партия XXVII съезди ўз ишини тамомлаганидан кейин деярли беш ой вақт ўтди. Мана шу давр совет жамиятидаги етилган проблемаларни ҳал этишга янгича ёндашишни фаол излаш билан ўтди. Бу даврда қилинган ишларга ҳам, қўлдан бой берилганларга ҳам принципиал баҳо берилди.

Ҳозир биз мамлакатимиз социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг узоқ истиқболга мўлжалланган ғоят кенг ҳаракат программасига эгамиз. Бу программа бизнинг истакларимизни ҳам, жаҳон тараққиётининг энг муҳим тенденцияларини ҳам ҳисобга олади. Бу программа зарур равишда деталлаштириб ҳам берилган — ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил этиш, резервларни, совет жамиятини жўшқин тараққий эттириш йўллари ва методларини излаш давомида ишлаб чиқилган ўн иккинчи беш йилликка мўлжалланган Давлат планимиз ҳам бор.

Белгиланган режаларни амалга ошириш учун энди ўзимиздан сўрайдиган вақт келди. Ҳеч қандай истисно қилмасдан, қаттиқ талабчанлик билан сўрайдиган вақт келди. Ҳозирдаёқ шу йилнинг биринчи ярмидаги халқ хўжалиги ишларига якун чиқарилди. Бу якун экономикада бошланган ижобий силжишлар, ҳамма жойда бир хил даражада бўлмаса ҳам, кучайиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Биз хўжалик жараёнларига катта жўшқинлик бахш этиб, ишлаб чиқаришни, меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини ошира олдик. Машинасозликда, ёқилғи-энергетика ва агросаноат комплексларида, қора металлургия, химия ва нефть химиясида ҳамда бошқа баъзи тармоқларда аҳволни яхшилаш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижа бера бошлади.

Социал вазифалар ҳам яхшироқ ҳал қилинди. Кўпроқ уй-жой фойдаланишга топширилди, социал-маданий объектларни ишга тушириш кўпайди. Маҳаллий органлар ваққон ва ғайрат билан ишлаётган жойларда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат товарлари билан таъминлаш, маиший хизмат кўрсатиш яхшиланди. Бундай силжишларни фақат олқишлаш мумкин.

Бироқ, ўртоқлар, очиғини айтиб кўя қолайлик: аввало меҳнат, давлат ва план интизомини мустаҳкамлаш чоралари натижасида қувончли ва умидбахш силжишларга эришилди. Планларни тузиш ва бажаришга, ишлаб-да тартиб ўрнатишга кўпроқ талабчанлик билан ёндашдик, яхшироқ меҳнат қила бошладик, ичкиликбозликни бир четга қисиб қўйдик: мана энди ижобий якунлар яққол кўзга ташланмоқда.

Лекин ярим йилликнинг умумий яхши кўрсаткичлари билан бир қаторда баъзи тармоқларда май—июнь ойларида ўсиш суръатлари пасайиб кетди, бир қанча министрликлар планни уддалай олмади. Ишлаб чиқаришнинг бир маромда ишламаслиги, эга бўлган имкониятларимиздан етарли даражада самарали фойдалана олмаётганлигимиз ҳамон халақит бермоқда, маҳсулот сифати ҳам яхшиланиш сари сезиларли ўзгаргани йўқ. Сизга равшанки, бу сиз билан бизнинг умумий камчилигимиздир.

Буларнинг ҳаммаси жадал ўсиш тенденциясини ҳақиқатан ҳам мустаҳкамлайдиган сифат ўзгаришлари ҳали юз бергани йўқ, деб муайян хулоса чиқаришга имкон беради. Иқтисодий, социал, ташкилий ва идеологик ғоят муҳим тадбирлар, бошқа характердаги тадбирлар энди амалга оширила бошланган-

(Давоми иккинчи бетда).

ПАРТИЯ ХАЛҚ БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШМОҚДА

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ВЛАДИВОСТОКДА БЎЛИШИ

ВЛАДИВОСТОК, 27 июль. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Совет Приморьесига келганига икки кун бўлди. Одамлар билан—ишчилар ва денгизчилар, корхоналарнинг раҳбарлари, мутахассислар ва ёшлар билан учрашувлар — унинг Узоқ Шарқда бўлиши программасининг асосий қисмидир.

Бугун куннинг биринчи ярмида М. С. Горбачев СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган сув спорти байрамида ҳозир бўлди.

Шу байрам куни совет кишилари социалистик Ватаннинг тинч меҳнатини, Ер юзида тинчликни қўриқлаб, флот хизматини ўтаётган кишиларни шарафлайдилар.

Кўрфаз акваториясидаги қудратли техника—ишчилар, инженерлар ва олимлар меҳнати ҳамда билимларининг самарасидир. Бу тинчлик маҳсулоти эмас, аммо бу техника тинчликка хизмат қилади ва эрта-индин денгизчилар либосини ечиб, заводларга, колхозларга, институтларга келадиган ёшларнинг қўлидадир. Ҳарбий-денгиз флоти уларни меҳнатсевар қилиб тарбиялади, техника билан муомала қилиш кўникмаларини ўргатди, жангчинигина эмас, шу билан бирга меҳнатчини ҳам тайёрлади.

Ҳозир ишлаб турган механизмлар ёнида жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочилари иккинчи статья старшинаси Сергей Банбурин, мичман Александр Легошин, биринчи статья старшинаси Виктор Почуев, старший матрос Анатолий Рудченко, Владивосток шаҳри комсомоли тарбиялаган матрос Олег Гуларов ва бошқа кўпгина кишилар вахтада турибдилар.

Минбарлардаги кишилар ҳарбий денгизчиларнинг спорт ва денгизчилик маҳоратига неча марталаб қарсақ чалдилар.

Дўстлик визити билан Владивостокка келган Корея Халқ армияси Ҳарбий-Денгиз Флотининг қўмондони адмирал Ким Ир Чхоль байроғи остидаги Корея Ҳалқ армияси Ҳарбий-Денгиз Флоти кемалари отрядининг экипажлари Тинч океанлик ҳарбий денгизчилар байрамининг меҳмонлари бўлишди.

(Давоми тўртинчи бетда).

СССРга ВИЗИТ

Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ 28 июль куни Москвага Туркия Бош министри Тургут Озал раҳбарлигидаги расмий визит билан келди.

Аэродромда Туркия ҳукуматининг бошлиғи ва унинг рафиқасини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков рафиқаси билан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

Ватан мукофотлари топширилди

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев 28 июль куни Тошкент темирйўлчилар маданият саройида ўрта Осиё темир йўли ишлаб чиқариш илғорларидан катта бир группасига тантанали вазиятда СССРнинг орден ва медалларини топширди. Ишлаб чиқариш илғорлари ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун давлат мукофотларига сазовор бўлдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган Тошкент локомотив депосининг машинисти Ҳ. А. Исамуҳамедовга Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медали топширилди.

Самарқанд депосининг слесари Г. В. Бердников, темир йўлнинг Қўқон дистанцияси йўл мастери А. Раҳмонов, темир йўлнинг Тошкент дистанцияси катта йўл мастери А. Ҳакимов Ленин орденига сазовор бўлдилар.

Қўқон вагон депосининг катта назоратчиси Н. Д. Антонюкка, Тошкент тепловоз депосининг слесари А. А. Иноғомовга, граждан иншоотлари Фарғона дистанциясининг сувоқчиси Н. Исмоиловга, «Тошкент-товарний» вагон депосининг слесари Н. Д. Нестеровга, Бухоро-1 станцияси вагонлар ажратиладиган қия йўл навбатчиси Б. Содиқовга Октябрь революцияси ордени топширилди.

И. Б. Усмонхўжаев мукофотланган кишиларни сидқидилдан муборакбод этди, уларга сиҳат-саломатлик, Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнатда янги-янги муваффақиятлар тилади.

Мукофотларни топшириш тантанали маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда).

лиги ва улар дарҳол самара беришга қодир эмаслиги ҳисобга олинадиган бўлса, мамлакатда ҳозирча бундай сифат ўзгаришлари бўлмади ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди, сиз буни тушуниб турибсиз ва фикримга қўшиласиз, деб ўйлайман. Бинобарин, халқ хўжалигининг ўсиш суръатларини ошириш ҳам барқарор характерда эмас ва мен айтиб ўтганимдек, ҳозирча барқарор бўлиши ҳам мумкин эмас.

Бинобарин, ҳозир умидсизликка ҳам тушмаслик, бепарво ҳам бўлмаслик керак. Экономикадаги кўрсаткичлар ошган экан, фаолиятимизни қайта қуриш авж олиб кетди ва ҳамма жойда тўла куч билан давом этмоқда, деб ўйлаш ҳам соддалик, ҳам зарарли бўлур эди. Аҳвол ҳали бунчалик эмас, умуман мамлакатнинг бир қанча регионларида ва тармоқларида ҳозирча қайта қуриш тўғрисида фақат гап бўлаяпти, лекин иш ўрнидан қўзғагани йўқ.

Бироқ қайта қуриш қийинчиликлари олдида, лоқайдлик билан эскича ишлашга кўникиб қолган кишиларнинг қаршилиги ва бепарволиги олдида чекинишга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. XXVII съездда ҳақли равишда таъкидлаб ўтилди: биз оддий ишни бошлаётганимиз йўқ, ўз олдимизга реал, лекин қийин мақсадларни қўймоқдамиз, ҳаётдан муттасил ўрганиб борган тақдирдагина, ҳаёт тажрибасини, сабоқларини, янги жиҳатларини мунтазам идрок этиб, англаб борган тақдирдагина бу мақсадларга эришиш мумкин.

Аслини олганда, биз бу ишни эндигина бошлаяпмиз, баъзи ишларимиз муваффақиятли ўтмоқда, баъзилари унчалик эмас. Бу нақадар мураккаб вазифа эканлиги, олдимизда турган ишлар ҳажми нақадар катта эканлиги тобора равшан бўлиб бормоқда. Аммо биз чекина олмаймиз ва чекинмаймиз ҳам, жадаллаштириш стратегиясининг ўрнини босадиган бошқа йўл йўқ. Бу ҳақда кўп марта гапиришга тўғри келди, шундай бўлса ҳам бу ерда, Владивостокда яна таъкидлаб ўтмоқчиман.

Гап одамларни қистаб ёки кўндириб, уларни ижтимоий тараққиёт қонунларини ҳисобга олмай ҳаракат қилишга ёки ана шу қонунларни, реал мавжуд бўлган шарт-шароитларни қандайдир йўл билан четлаб ўтишга, «алдаб кетишга» ундаш ҳақида бораётгани йўқ. Партия, Марказий Комитет қайта қуриш йўлини ўтказар экан, бошқа нарсага: ана шу қонунларни чуқурроқ ва оператив-роқ англаб етиш, фаолиятимизда уларни моҳирлик билан ҳисобга олиш зарурлигига асосланади, мана шу йўлда сунъий равишда барпо этилган тўсиқлар ва говларни улоқтириб ташлаш зарурлигига асосланади.

Беш йиллик дастлабки ярим йилининг сезиларли, объектив натижалари совет халқи жадаллаштириш йўлини қўллаб-қувватлаётганлигидан, энг муҳими эса иш билан қўллаб-қувватлаётганлигидан далолат беради.

Бу ерда, Владивостокда, ҳамма ерда бўлганидек, мен, айтайликки, ўзимнинг янги вазифаларимни бажаришимга тўғри келади ва мен бирдан-бир саволни бераман: партия ишлаб чиққан ва халққа тақдим этган сиёсатда ҳамма нарса равшанми, бирон-бир кишида шак-шубҳа борми? Мен бу ерда, Узоқ Шарқ заминида ҳам халқ манфаатлари, бутун совет кишилари, ҳар бир оила бутун мамлакат манфаатлари йўлида партия ўтказаётган сиёсатни қизғин қўллаб-қувватлаётганлигини ва маъқуллаётганлигини мамнуният билан эшитдим.

Халқимизнинг бу қўллаб-қувватлашини унинг курашга, қийинчиликлари бартараф этишга шайлигини КПСС XXVII съезди олға сурган вазифаларнинг энг кўп самара берадиган, энг кўп натижа келтирадиган қилиб ҳал этишга йўналтириш муҳимдир. Ўртоқлар, худди мана шу позициядан туриб, **Узоқ Шарқни** ривожлантиришнинг айрим масалаларини тилга олмоқчиман, мен уч кундан бери, сиз узоқ шарқликлар билан бу ўлкани қандай қилиб тезроқ яшнатиш ҳақида маслаҳатлашиш, айтишим мумкинки, кенгашишни давом эттирмоқдаман, унинг бойликларини совет халқига хизмат қилдириш, бу ерда яшаётган кишиларнинг эҳтиёжларини яхшироқ ва тўлароқ қондириш тўғрисида маслаҳатлашиб олишни истайман.

Узоқ Шарқни анъанага мувофиқ мамлакатнинг Тинч океандаги қалъаси, деб атайдилар. Бу шубҳасиз тўғри, лекин бугунги кунда бундай қарашни энди етарли деб бўлмайди. Приморьени, Узоқ Шарқни юксак даражада ривожланган халқ хўжалик комплексига айлантириш лозим.

Ана шу вазифани ҳал этишга сиз қодир эканлигингизни кўриб турибман. Узоқ Шарқни кенг миқёсда ўзлаштириш осон юмуш эмаслигини бу ерда йиллаб ва ўн йиллаб яшаган сизлар яхши биласиз. Бу ерда ҳар бир қадам учун курашишга тўғри келади. Бу соҳа орқада қолгани аниқ, айни шу соҳанинг қолоқлиги одамларнинг кўнимли ишлашига ва пировардида Узоқ Шарқнинг тараққиёт суръатларига таъсир этмоқда.

Ҳозир яхлит давлат регионал сиёсати доирасида Узоқ Шарқни узоқ истиқболли ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш масаласи турибди. Бундай концепция комплекс программада ўз ифодасини конкрет топиши лозим бўлса керак. Узоқ Шарқда йирик ресурс ва илмий-ишлаб чиқариш базасига, экономиканинг энг мақбул структурасига, ривожланган социал соҳага эга бўлган ҳамда умумиттифоқ ва халқаро меҳнат тақсимоти системасига уйғун равишда киритилган юксак самарали халқ хўжалик комплексини яратиш бу программанинг мақсадидир. Беш йиллик планни тайёрлаш жараёнида шу жиҳатдан кўп иш қилинди. Бу план тиғиз бўлиб, уни бажариш кўп куч-ғайрат сарфлашни талаб қилади.

Бироқ булар бутун регион тараққиётини жадаллаштириш юзасидан ишларнинг бошланиши, холос. Мутахассислар кенг жамоатчилик иштирокида батафсил ишлаб чиқадиган соҳаларни тилга олмаган ҳолда ана шу ишнинг баъзи муҳим йўналишларини айтиб ўтаман.

Биринчиси. Узоқ Шарқнинг географик тутган ўрнининг ўзи бу ерда океан ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган тармоқларнинг юксак даражада ривожланган комплексини шакллантириш йўлини белгилаб беради. Кўп сабабларга кўра, мамлакат балиқ хўжалиги Узоқ Шарқ томон кўпроқ силжийверади. Бу ерда қудратли балиқ овлаш флотини яратиш учун катта маблағ сарфланди. Айни пайтда қирғоқдаги хизматларни йўлга қўйиш жиддий орқада қолиб кетди. Оғир ишларни механизациялаш даражаси жуда паст. Бунинг оқибатида жуда қиммат турадиган кемаларнинг анчагина қисми бекор туриб қолмоқда, улардан самарали фодаланилмаяпти, ремонт базаси, омборлар, балиқ овлаш кемаларининг портлари, қайта ишловчи корхоналарнинг қувватлари сурункасига етишмаяпти. Хуллас, Узоқ Шарқ балиқ саноатини ривожлантириш юзасидан жиддий комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш талаб қилинади. Денгиз маҳсулотларидан биологик жиҳатдан актив моддалар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор бериш лозим. Бу йўналиш бошқа мамлакатларда ривожланмоқда ва ўзининг юксак самарали эканлигини исботлади.

Иккинчиси. Бу — регионнинг бой табиий ресурсларидан комплекс фойдаланиш масаласидир. Рангли металлургия министрлиги диққат-эътиборини Узоқ Шарқ имкониятларига қаратмоғи керак. Геологларнинг аниқлашларича, регионда рангли металлар, олтин, қумуш, жуда кўп бошқа қимматли элементлар ва минералларнинг кўплаб бой конлари мавжуд. Агар ишга соҳибларча ёндашиладиган бўлса, уларни қазиб олиш ва қайта ишлашни бирмунча кенгайтириш мумкин. Биз Узоқ Шарқда йирик рангли металлургияни ривожлантиришга жиддий киришишимиз: бу ерда хилма-хил тайёр маҳсулот берадиган ишлаб чиқаришнинг тугал цикларини барпо этишимиз керак. Бундан буён Узоқ Шарқни фақат хом ашё базаси, деб билиш жоиз эмас. Ўйлайманки, сиз бунга мароса қилмаслигингиз керак, марказда ҳам буни яхши тушунишлари зарур: мен Иттифоқ ва республика органларини назарда тутмоқдаман. Ўлканинг жуда катта хом ашё имкониятларидан бу ерда тугалланган туркум корхоналар қуриш учун фойдаланиш ва қам деганда ярим маҳсулот, балки яна ҳам яхшироқ йўлдан бориб пировард маҳсулотлар олиш керак. Мен бу ерда рангли металлургия ҳақида айтган гаплар кўп даражада ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлигига ҳам тааллуқлидир. Бу министрлик ёғочни тўла қайта ишлашга қатъий равишда ўтишга мажбур. Шу муносабат билан Байкал-Амур магистрали зонасини кенг кўламда хўжалик жиҳатидан ўзлаштириш вазифалари ҳам турибди. Ҳозир мазкур масала юзасидан Марказий Комитет ва ҳукуматнинг махсус қарори тайёрланмоқда. Бу соҳада ҳам олдингизда йирик ишлар кутмоқда.

Учинчиси. Узоқ Шарқ ёқилғи-энергетика комплексининг сурункали қолоқлиги қисқа муддат ичида бартараф этилиши лозим. Бу қолоқлик бошқа тармоқларнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Истиқболга назар солмай, марказ барибир ёқилғи ва энергия билан ёрдам беради, деган кайфият билан яшаб бўлмайди. Сизларда ёқилғи ва углеводород хом ашёси ресурслари беқиёсдир. Бироқ, масалан, Шимолий Сахалин газидан фойдаланиш тўғрисида ўнлаб йиллардан буён гап бормоқда, амалий ишлар эса эндигина бошланди. Сахалин саёз соҳилига яқин жойлардаги нефть-газ конларидан фойдаланиш проблемасини ҳал этиш ҳам чўзилиб кетди. Айни пайтда Ғарбий Сибирдан Узоқ Шарққа нефть ортилган юклаб эшелонлар келмоқда. Биз ҳозир Узоқ Шарқ учун миллионлаб тонна нефтни мамлакатнинг бошқа районларидан ташиб келтиришга мажбур бўлмоқдамиз.

Забайкалье ва Узоқ Шарқ районларида ёқилғи-энергетика базасини ривожлантириш юзасидан ўз вақтида белгиланган чора-тадбирлар кўзда тутилган муддатлардан анча кечикиб бажарилмоқда. Узоқ Шарқ ўз энергетикаси эҳтиёжларини ўз ресурслари ҳисобига тўла қондира олади ва шундай бўлиши ҳам керак. Узоқ Шарқ-ликлар энергетика қурилишининг ишончли базасини яратиш, иссиқлик ва гидравлик станциялар комплекси қурилишини, электр билан таъминлашнинг ягона ва қудратли системасини вужудга келтиришни жадаллаштириш юзасидан кўп иш қилишлари керак. Келажакда Узоқ Шарқ мамлакатнинг яқин атрофдаги районларини ёқилғи ва энергия билан таъминлабгина қолмай, ёқилғи ва энергиянинг салмоқли экспорт қилувчиси бўлиб қолиши кераклигига асосланиш лозим.

Тўртинчиси. Ишлаб чиқариш инфраструктурасини илдам ривожлантириш йўли. Бу фақат Узоқ Шарққа оид проблема эмас, албатта. Аммо бу проблема Узоқ Шарқда, айниқса ўткир бўлиб турибди. Сизнинг регионингизда замонавий қурилиш индустриясини ривожлантиришни тезлатиш зарур. Айтишим мумкинки, биз бу ерда, Узоқ Шарқда белгилаётган планлар асосининг асосидир. Ҳозир темир йўл қурувчиларининг қудратли бўлинмалари ўлкангизга келишди. Улар қисқа муддатда Байкал-Амур магистралини ётқиздилар. Улардан, масалан, бугунги кунда ўтказиш қобилияти паст бўлган эски темир йўл линияларини реконструкция қилишда фойдаланиш ёки уларни автомобиль йўллари ва портлар, бошқа зарур объектларни барпо этишга жалб қилиш мумкин ва лозим.

Денгиз транспортидан ҳам самаралироқ фойдаланиш, унинг инфраструктурасини мустаҳкамлаш, юк ташишнинг прогрессив формаларини ривожлантириш керак. Бу борада сизлар тажрибага эгасизлар. Мен Находкадаги шарқий портнинг фаолияти билан бугунгина танишиб чиқдим. Бу ажойиб замонавий порт. Уни кўпларга намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Масалан, Сахалинга паромда юк ташиш яхши йўлга қўйилган. Шимолий денгиз йўли орқали узлуксиз навигациянинг иқтисодий самарадорлигини ошириш юзасидан шошилинч чораларни ҳам кўриш керак.

Бешинчиси. Регионда фан-техникага оид сиёсат масалаларини, шу жумладан корхоналарни мана шу районда ишлатиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда энг замонавий техника билан жиҳозлаш масаласини ҳал этишнинг ўзига хос жиҳатлари кўп. Бу ерда яхши мастерлар, яхши ном чиқарган кўпгина машинасозлик корхоналари борга ўхшаб туюлади. Уларнинг кўпчилиги шуҳрат қозонган. Бироқ идоравий тарқоқлик оқибатида Узоқ Шарқ машинасозлик маҳсулотининг анча қисми мамлакатнинг Европа қисмига юборилмоқда, у ёқдан эса бу ердаги эҳтиёжлар учун техника оқими келяпти. Ана шу масалаларни тезроқ кўриб чиқиш, машинасозлик заводларини ихтисослаштиришни аниқлаш, бу ерда регионнинг эҳтиёжлари учун ҳам, шунингдек экспорт қилиш учун ҳам, техника билан яхши жиҳозланган қудратли корхоналарни барпо этишга ҳам зўр бериш лозим.

Олтинчиси. Узоқ Шарқ хўжалигини ривожлантиришнинг экспорт йўналиши имкониятларидан тўла фойдаланмоқ керак. Ҳозирги вақтда мамлакат экспортида регионнинг улуши жуда кам ва бу улуш регионнинг потенциал имкониятларидан анча орқада қолмоқда. Соҳил ва чегара бўйида савдони жонлантириш, чет мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларнинг прогрессив формаларини, шу жумладан, ишлаб чиқариш кооперациясини, биргаликда корхоналар ташкил этиш, ихтисослаштирилган экспорт базасини вужудга келтириш каби прогрессив формаларини ўзлаштириш учун бу соҳада ҳам туб ўзгаришлар, янгича ёндашишлар зарур.

Еттинчиси. Партиямиз съездида социал соҳани ривожлантириш учун маблағ ажратишнинг қолдиқ принципи қаттиқ танқид қилинди. Бу эски касалдир. Мамлакатнинг бир қанча шарқий районларида, шу жумладан Приморьеда ҳам бундай практика кенг тарқалди. Региондаги жуда катта территорияда 7,7 миллионга яқин киши яшайди. Истеъмол қилинаётган озиқ-овқатнинг деярли ярми бу ерга ташиб келтирилади. Узоқ Шарқда сўнгги йигирма йил ичида аҳоли жон бошига сут, картошка ва сабзавот етиштириш камайиб кетди. Ўлка, областлар, округлар, районлар ва хўжаликларнинг кўпгина раҳбарлари ҳосилдорликнинг пастлигига, сигирлардан кам сут олинишига ва улар кам семиришлигига, ем-хашак кўплаб ташиб келтирилишига кўникиб қолганлар. Хатто 15—20 йил олдинга мўлжалланаётган планларга берилган таклифларда ҳам Узоқ Шарқни озиқ-овқат билан таъминлашни мамлакатнинг бошқа регионларига маҳсулот етказиб бериш ҳисобига кенгайтириш масаласи қўйилмоқда.

Мен буни қалтабинлик билан тутилган йўл, деб ўйлайман. Бу аҳволдан қутилишнинг битта йўли бор: Узоқ Шарқнинг ўз юксак ривожланган қишлоқ хўжалик базасини, озиқ-овқат саноатини яратиш керак. Ана шу мақсадда интенсив технология асосида агросаноат комплекси ҳамма тармоқларини, хусусан ўғит саноатини актив ривожлантириш, қишлоқ хўжалик вазифаларини ҳал этишда қўшни мамлакатлар билан кооперацияни йўлга қўйиш зарур.

Регионда уй-жой ва социал-маданий қурилишда танг аҳвол юз берди. Бу эса доимий яшаш учун бу ерга келганлар муқим қолишларига таъсир қилмоқда. Менимча, бундай аҳвол учун маҳаллий органлар билан бир қаторда тегишли хўжалик министрликлари ва идоралари, ҳам Иттифоқ, ҳам республика министрликлари ва идоралари баб-баравар жавобгардир.

Мен ўлка раҳбарларига улар ҳозир социал соҳани ривожлантириш учун қилаётган ишлар етарли эмаслиги хусусидаги асосий мулоҳазаларимни айтдим. Ҳар ҳолда бу ишлар реал мавжуд бўлган эҳтиёжга мос келмаяпти. Аммо, менинг фикримча, бу танқиднинг каттагина қисмини марказий идораларга ҳам йўллаш керак. Шу идораларнинг кўпчилиги ғоят хилма-хил йўналишлардаги ишлаб чиқаришларни жуда саҳийлик билан ривожлантириб, социал соҳани ривожлантиришга эса маблағ ажратишда қурумсоқлик қиладилар. Натижада ишлаб чиқариш қувватлари вужудга келтирилади-ю, аммо яратилган ишлаб чиқариш потенциалидан чинакам фойдаланадиган одам топилмайди. Бу давлатга қимматга тушаётган айни ўша «айёрликдир». Бу ҳолатга берилган сиёсий баҳо мана шундан иборат.

Ўлкангиз жуда ажойиб, денгиз ҳам гўзал, табиати нодир, минерал сув манбалари жуда кўп. Мен бугун Находкага учиб бораётиб, туман ва булутлар тарқагач, қуёш чарақлаб нур соча бошлаганидан кейин мана шу гўзалликнинг ҳаммасини юқоридан. туриб кўрдим. Тепаликлар, олтин водий ва океан ҳаммаси ёнма-ён. Бу жуда катта таассурот қолдиради. Ҳақиқатан ҳам ажойиб ўлка.

Узоқ Шарқ етакчи Бутуниттифоқ шифохоналаридан бирига айланиши, ички ва халқаро туризмнинг, жумладан, океан ва юқори кенгликдаги туризмнинг йирик маркази бўлиб қолиши керак. Бу эса шаҳар ва қишлоқларни обод қилишни жадаллаштириш учун ресурсларни ҳам тўлдирган бўлур эди.

Кеча пионер лагерига бора туриб, йўлда дам олувчилардан бир группаси билан учрашиб қолдим. Бу ерда бутун мамлакат вакиллари бор экан. Уларнинг кўпчилиги бу ерга неча марталаб келган, шу ўлкани, унинг табиатини севиб қолишган экан. Уларнинг ҳаммаси бир овоздан бу ерда дам олиш базаларини кенг кўламда барпо этишни маслаҳат берди.

Ҳозирги аҳволнинг сабаби равшан. Тегишли замин яратилмаганлиги, қурилиш базасининг йўқлиги, қурилиш коллективларининг заифлиги туфайли уй-жой ва социал-маданий объектлар қурилиши қониқарсиз бормоқда. Бу аҳволга энди тоқат қилиб бўлмайди.

Социал масалалар томон бурилиш бутун мамлакат учун ҳаётий зарурат бўлса, бу нарса Узоқ Шарқ учун икки баравар ва уч баравар муҳимроқдир.

Йиллар давомида қалашиб кетган қийинчиликларни қандай бартараф этиш керак? Бунда марказнинг ҳам, маҳаллий органларнинг ҳам айби борлигини айтиб ўтган эдим. Хуллас, ишни айни бир вақтда ҳам қуйидан, ҳам юқоридан туриб тўғрилаб олиб ҳаракат қилиш лозим бўлади. Сизларни ишонтириб айтишим мумкинки, КПСС Марказий Комитети ва ҳукумат Иттифоқ ҳамда республика министрликлари ва идораларининг диққат-эътиборини мамлакат шарқий районлари, шу жумладан, сизларнинг ўлкангиз проблемаларига қатъий равишда жалб этади.

Совет Узоқ Шарқининг унутилмас ўтмиши, мен аминманки, шонли истиқболи бор. Бу улкан табиий бойликлар, катта социал ва иқтисодий имкониятлар, салмоқли халқаро истиқболлар ўлкасидир. Биз мамлакат, нинг мана шу жуда муҳим регионида ишни қандай юритишимиз, қандай натижаларга эришишимиз сизларга ва, албатта, марказнинг эътиборига боғлиқ бўлади.

Эътирозлар ва проблемаларнинг ўткир қилиб қўйилиши бугун эҳтимол унчалик байрамона бўлмаганлигини тушуниб турибман. Аммо ленинча анъанамиз мана шундай: қилинган ишларга баҳо бериб, истиқболга назар ташлаймиз. Энг муҳими — истиқболни назардан қочирмаслик, янги марралар сари ҳаракат қилиб бориш учун замин ҳозирлаш керак. Ҳозирги бош вазифа — XXVII съезд қарорларидан сизлар учун янги келиб чиқадиган истиқбол вазифаларига эътиборни қаратишдан иборат. Шундай ёндашиш, жумладан, танқидий анализ қилиш учун ҳатто юксак мукофотни олишга бағишланган тантанани ҳам ўринли деб ҳисоблайман.

Ўртоқлар, умумий режаларимиз ва юмушларимиз ана шундай. Булар Совет Иттифоқининг ҳақиқий ниятларини ҳар қандай ваъзхонликдан кўра яхшироқ кўрсатиб туришди. Империализмнинг ҳукмрон кучлари бизнинг бу мақсадларимизни бузиб кўрсатишга қанчалик уринмасинлар, биз барча халқларга ҳамда ҳукуматларга очиғини ва тўғрисини айтдик ва бундан кейин ҳам гапираверамиз. Ҳа, бизга тинчлик керак, қуролланиш пойгасини тўхтатишга, ядровий тажрибаларга чек қўйишга ва ядро қуролини тугатишга даъват этиб, яна ва яна мурожаат қиламиз, регионал можароларни сиёсий ҳал этиш йўлларини қатъият билан излайверамиз.

Ғоят катта аҳамиятга молик ҳодисалар бизнинг кўз ўнгимизда содир бўлмоқда. Ҳукуматлар қурол-яроғ ва урушни сиёсат воситаси деб ҳисоблаб келаётган жойларда ҳам **ҳамма учун тинчлик** зарурлигини тушуниб етиш халқлар онгига тобора чуқур сингиб бормоқда. Тинчлик айни ҳамма учун керак. Чунки ядро уруши фақат икки блокнинг, бир-бирига қарши турган икки кучнинг тўқнашувигина бўлиб қолмайди: ядро уруши жаҳонни фалокатга олиб боради, инсоният цивилизацияси ҳалоқ бўлиш хавфи остида қолади.

Бизнинг ядровий қуролсизланиш, оддий қурол-яроғлар ва қуролли кучларни анча камайтириш, контрол, халқаро вазиятни соғломлаштириш борасидаги ташаббусларимизни турлича кутиб олишди.

Дўст мамлакатлар бу ташаббусларни қўллаб-қувватлашди. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари бу ташаббусларни тўла ҳалқи равишда жаҳон майдонида социализм ўтказаётган умумий йўлнинг таркибий қисми деб ҳисобламоқдалар

Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

(Давоми. Бошн 1- ва 2-бетларда).

Бу ерда бундан буёнги социал-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш қайси йўлдан боради, давлатлар ўртасидаги муносабатларда қандай жараёнлар устун бўлади — шу нарса бутун дунё тақдирини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Социализм мазкур региондаги улуғвор ва қийин ўзгаришларнинг ажралмас омилидир. Улуғ Октябрь туфайли, фашизм ва япон милитаризми устидан қозонилган ғалаба натижасида, Улуғ Хитой революцияси натижасида, Монголияда, ўз ватанининг социалистик истиқболи учун курашда халқи мисли сиз матонат кўрсатган Корея диёрида, сўнгра эса Вьетнам ва Лаосда янги ижтимоий тузум қарор топгандан кейин социализм Осиёда мустаҳкам позицияларни эгаллади. Бироқ айни шу ерда энг шафқатсиз ва сурбетларча қаршиликка дуч келди. Вьетнам бунинг энг яққол мисолидир. Унинг қаҳрамонона тажрибаси, империализм устидан қозонган ғалабаси сабоқлари озодлик ва социализм ғояларининг енгилмас кучини яна бир бор яққол кўрсатди.

Бу ерда, Осиёда қўшилмаслик ҳаракати, эндиликда юздан зиёд давлатни ўз ичига олган ҳаракат концепцияси таркиб топди, бу ҳаракат замон даъватига ўз жавобини қайтаришга интилмоқда, дунёнинг ҳарбий блокларга ажралишини барҳараф этиш учун актив курашмоқда, ядро уруши хавфини камайтиришнинг ўз усулларини изламоқда. Қўшилмаслик ҳаракати эксплуатацияни, босқинчилик сиёсатини, янги мустамлакачиликни рад этиб ва уларни қоралаб, инсониятга бирлашиш тўғрисидаги, очарчиликка, юз миллионлаб кишиларнинг ҳаддан ташқари қашшоқлигига қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги даъват билан мурожаат этмоқда.

Маънавий обрў-эътибор ва анъанавий донишмандликка, ўзига хос сиёсий тажриба ва ғоят катта иқтисодий имкониятларга эга бўлган Буюк Ҳиндистон — шу ҳаракатнинг эътироф этилган раҳнамосидир. Биз Ҳиндистоннинг халқаро ҳамжамиятда тенг ҳуқуқли асосда тинч-тотув яшаш ва адолат нормаларини қарор топтириш ишига шу пайтгача қўшган ҳиссасига юксак баҳо берамиз. СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона муносабатлар халқаро миқёсда барқарорлаштирувчи асос бўлиб қолди.

Япония биринчи даражали аҳамиятга молик давлатга айланди. Америка ядро қуролининг биринчи қурбони бўлган мамлакат қисқа муддат ичида ғоят катта йўлни босиб ўтиб саноатда, савдо, маориф, фан ва техника соҳасида ҳайрон қоларли ютуқларни намойиш этди. Япония шу муваффақиятларга фақат япон халқининг уюшқоқлиги, интизоми, ғайрат-шижоати туфайлигина эмас, шу билан бирга унинг халқаро сиёсатига расмий равишда асос қилиб олинган «уч ноядровий принцип» туфайли ҳам эришди. Аммо кейинги вақтларда Япония конституциясининг тинчлик моддалари каби ана шу принциплар ҳам тобора сезиларли четлаб ўтилмоқдаки, бунга эътибор бермасдан бўлмайди.

Аммо биз Осиёда, Океанияда бошқа кўп нарсаларни ҳам кўриб турибмиз. Халқларнинг мустамлакачилик таҳқирлаган қадр-қиммати, мерос бўлиб қолган қашшоқлик, саводсизлик, қолоқлик, шу билан бирга чуқур ҳурофот халқлар ўртасида, шу жумладан бир давлат чегарасида яшовчи халқлар ўртасида ишончсизлик ва адоват заминини сақлаб қолмоқда. Империализм қийинчиликлар ва ўтмиш сарқитларидан фойдаланмоқда, натижада маҳаллий можаролар, этник ва диний ўзаро урушлар авж олиб кетмоқда, сиёсий беқарорлик вужудга келмоқда.

Мустақиллик сезиларли халқаро омил бўлиб қолаётган ва империализмнинг эксплуататорлик манфаатларига таҳдид қилинаётган ҳамма жойда у ўзининг хуш кўрган воситаларини: иқтисодий дўқ-пўписани, мамлакат раҳбарларига қарши ғаламислик ва фитналарни ишга солмоқда, ички проблемаларга аралашмоқда, сепаратчиларни қўллаб-қувватламоқда, контрреволюция ва террорчиларни пул билан таъминламоқда ва ҳатто бевосита қуроллантирмоқда. Панжоб, Тамил проблемаси (буни ҳам Ҳиндистонга қарши қаратишни истамоқдалар), Кампучия ва Афғонистонга қарши эълон қилинмаган урушлар, Микронезиянинг қўшиб олинганлиги, Филиппин ишларига аралашув, Янги Зеландияга тазйиқ ўтказилаётганлиги — империалистлар интервенцияси ва зўравонлигининг ҳозирги механизми қандай ишлаётганлигини кўриш учун ана шу мисолларнинг ўзи кифоя.

Тарих тажрибаси, ўсиб бораётган ўзаро боғлиқлик қонунлари, экономиканинг интеграция эҳтиёжлари регион ичидаги ва ундан ташқаридаги давлатлар ўртасида ҳамжиҳатлик, очиқ алоқалар ўрнатиш йўлларини қидириб топишга ундайди. Ана шу давлатларнинг мустамлака ўтмишидан мерос қолган, шунингдек ҳозирги ривожланиш зиддиятларидан келиб чиқаётган ўнлаб, юзлаб жуда ўткир проблемалари мавжуд. Бу давлатларни эса блокларга тортмоқдалар, ўз ресурсларини тасарруф этиш эркинлигини чекламоқдалар, ҳарбий бюджетларини оширишга мажбур этмоқдалар, қуролланиш пойгасига, экономикани ва ижтимоий турмушни ҳарбийлаштиришга жалб қилмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси ички ривожланиш жараёнларини издан чиқаради, кескинликни вужудга келтиради ва албатта, миллатлараро, давлатлараро муносабатларни нормаллаштиришга халақит қилади.

Совет Иттифоқи ҳам Осиё ва Тинч океан мамлакатидир. Мана шу жуда кенг регионнинг мураккаб проблемалари унга яқиндир. У шундай проблемаларга бевосита дуч келмоқда. Жуда кўп ва хилма-хил давлатлар ҳамда халқлар жойлашган дунёнинг улкан қисмига вазминлик билан кенг миқёсда назар ташланаётганлигини худди шу нарса белгилаб бермоқда. Зотан, бизнинг унга ёндашувимиз бу ердаги мавжуд реалликларни эътироф этиш ва тушунишга асосланган.

Шу билан бирга бизнинг манфаатимиз — қандайдир интилёзлар ва алоҳида мавқени даъво қилиш эмас, ўз хавфсизлигини ўзгалар ҳисобига мустаҳкамлаш йўлидаги худбинликдан иборат уриниш эмас, бошқаларга зиён етказган ҳолда наф кўриб қолиш эмас. Биз ўз манфаатимизни кучайтиришда, ҳар бир халқнинг ўз ҳоҳишича яшашга, ўз проблемаларини тинчлик шароитида мустақил ҳал этишга бўлган ҳуқуқини тўла ҳурмат қилган ҳолда ҳамкорлик қилишда, деб биламиз.

Биз Осиё ва Тинч океанда янги, адолатли муносабатларни биргаликда барпо этиш тарафдоримиз.

Кейинги вақтларда мен Европа давлатларининг раҳбарлари билан, Европа мамлакатларидаги турли сиёсий арбоблар билан кўп марта учрашишимга тўғри келди. Осиёдаги аҳволни Европадаги вазият билан беихтиёр қиёс қиласан, киши.

Умуман Тинч океани региони ҳозирча Европа регионидаги каби даражада ҳали милитарлаштирилган эмас. Аммо уни милитарлаштириш имкониятлари ҳақиқатдан ҳам ғоят катта, оқибатлари эса ниҳоятда хатарлидир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун харитага назар ташлаш кифоя. Ядро қуролига эга бўлган энг катта давлатлар шу ерда жойлашган. Қуруқликдаги жуда катта армиялар, қудратли ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво флотлари вужудга келтирилган. Океаннинг ғарбий чеккасидан шарқий чеккасигача кўпгина мамлакатларнинг фан-техника ва саноат потенциали ҳар қандай қуролланиш пойгасини авж олдиришга имкон беради. Можароли вазиятлар сақланиб қолаётганлиги аҳволни чигаллаштирмоқда. Америка империализми 1945 йилдан кейин айни Осиёда — Корея ва Ҳиндихитойда иккита энг катта уруш олиб борганлигини унутмайлик. Қирқ йил мобайнида Осиё-Тинч океан кенглигининг гоҳ у, гоҳ бу нуқтасида уруш ёнғини аланглаган ловулламай турган вақтни ҳисобласа бир неча йилга ҳам бормайди.

Европада — яхшими, ёмонми — мулоқот, музокаралар ва битимларнинг Хельсинки жараёни амал қилмоқда. Бу нарса муайян барқарорлик келтириб, қуролли можаролар эҳтимолини камайтирмоқда. Гап бораётган регионда эса бу нарса йўқ ёки деярли йўқ. Бинобарин, кейинги вақтларда қандайдир ўзгариш бўлаётган экан, бундай ўзгариш яхшилик сари бўлмаяпти. АҚШ 70-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Тинч океанда қуролли кучларни кўпайтириш юзасидан кенг миқёсли тадбирларни амалга оширишга киришди. Унинг тазйиқи остида Вашингтон — Токио — Сеул ҳарбийлаштирилган «учбурчаги» таркиб топмоқда. Гарчи регионда ядро қуролига эга бўлган уч давлатдан иккитаси — ХХР ва СССР шу қуролни биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисида мажбурият олган бўлсаларда Қўшма Штатлар кризисли зоналардан бири — Корея ярим оролида ядро қуролини эълтувчи воситаларни ва ядровий портловчи каллакларни, бундан ташқари эса Япония территориясида ядро қуролини эълтувчи воситаларни жойлаштирди.

Шуни таъкидлашга тўғри келадики, жаҳоннинг шу қисмида милитарлаштириш, уруш хавфининг кучайиши хатарли равишда тезлашиб бормоқда. Тинч океани ҳарбий-сиёсий муҳолифлик майдонига айланмоқда. Бу ерда яшаётган халқларни мана шулар тобора кўпроқ ташвишга солмоқда. Бу нарса бизни ҳам ҳар жиҳатдан шу жумладан — мамлакатимиз Осиё қисмининг хавфсизлиги мулоҳазаларига кўра хавотирликка солмоқда.

Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг Осиё-Тинч океан йўналиши — КПСС халқаро фаолиятининг апрель Пленуми ва партия XXVII съезди ишлаб чиққан умумий платформасининг таркибий қисмидир. Лекин платформа ҳар қандай вазиятларга татбиқ этиш мумкин бўлган схема эмас, балки аввало тажрибага таянувчи принциплар ва методдир.

Шунга асосланиб, мазкур кенг регионда халқаро хавфсизликни ҳамда тинч ва баҳамжиҳат ҳаракатни шакллантириш жараёнини қандай тасаввур қилиш мумкин бўлур эди?

Аввало, Совет Иттифоқи XXVII съезднинг принципиал йўлига мувофиқ шу ерда жойлашган истисносиз барча мамлакатлар билан ўзининг икки томонлама муносабатларига жўшқинлик бахш этишга ҳаракат қилади. Биз Монголия Халқ Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, Вьетнам Социалистик Республикаси, Лаос Халқ Демократик Республикаси, Кампучия Халқ Республикаси билан дўстликни ҳар томонлама мустаҳкамлаб, улар билан ғоят хилма-хил алоқаларни активлаштираверамиз. Биз, ўз дўстларимиз билан тенг ҳуқуқлилик ва бирдамлик принципларига асосланган муносабатларимизни Умумосиё ва Тинч океани хавфсизлигининг таркибий қисми, деб биламиз.

Масалан, ҳозирги вақтда МХР раҳбарлари билан биргаликда совет қўшинларининг анча қисмини Монголиядан олиб кетиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилмоқда.

Биз Индонезия, Австралия, Янги Зеландия, Филиппин, Таиланд, Малайзия, Сингапур, Бирма, Шри Ланка, Непал, Бруней, Мальдив республикаси билан, регионнинг сиёсий ҳаётида қатнашаётган ҳали жуда ёш мустақил давлатлар билан алоқаларни кенгайтиришга тайёрмиз. Уларнинг баъзилари — Папуа-Янги Гвинея, Ғарбий Самоа, Тонга қироллиги, Фижи, Кирибати республикаси, Науру республикаси, Тувало, Вануату республикаси билан биз ҳозирдаёқ дипломатия муносабатлари ўрнатганмиз.

Хитой Халқ Республикасигача бир қадам қолган, деб айтиш мумкин бўлган шаҳарда туриб гаплашаётган эканман, бизнинг у билан муносабатларимиздаги асосий нарсага тўхталиб ўтмоқчиман. Бу муносабатлар бир қанча сабабларга кўра жуда муҳимдир. Биз қўшни эканлигимиз, ўртамиздаги чегара жаҳонда қуруқликдаги энг узоққа чўзилган чегара эканлиги ва шу боисданоқ бизнинг фарзандларимиз билан невараларимиз «бундан буён ва асрлар ошa» ёнма-ён яшашлари кераклиги ана шундай сабаблардир.

Аммо гап шундагина эмас албатта. Тарих совет ва хитой халқлари зиммасига ниҳоятда масъулиятли вазифани юклади. Халқаро ривожланишдаги кўп нарса икки энг йирик социалистик давлатга боғлиқ.

Кейинги йилларда бизнинг муносабатларимиз сезиларли равишда яхшиланди. Шуни тасдиқламоқчиманки, Совет Иттифоқи яхши қўшничилик вазиятини вужудга келтириш борасидаги қўшимча тадбирлар ҳақидаги масалаларни Хитой билан исталган вақтда, ҳар қандай даражада ғоят жиддий муҳокама қилишга тайёрдир. Бизни ажратиб турган (бирлаштириб турган деб айтишни истардик) чегара яқин келажакда тинчлик ва дўстлик полосаси бўлиб қолади, деб умид қиламиз.

Совет кишилари Хитой Компартияси олға сурган мақсадни — мамлакатни модернизациялаш, келгусида буюк халққа муносиб социалистик жамият барпо этиш мақсадини тушуниб, унга ҳурмат билан қарамоқдалар.

Биз билан Хитойнинг асосий мақсадлари бир-бирига ўхшаш, деса бўлади, бу ҳам бўлса социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришдан иборатдир. Ҳар иккала томонга фойда келтириши равшан бўлган жойларда ўз планларини амалга оширишда бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, ҳамкорлик қилсак бўлмайдими? Муносабатлар қанчалик яхши бўлса, бир-биримиз билан тажрибани шунчалик кўп баҳам кўраоламиз.

Иқтисодий алоқаларда ижобий силжиш намоён бўлганлигини мамнуният билан таъкидлаймиз. Совет—Хитой экономикаларининг тарихан таркиб топган бир-бирини ўзаро тўлдириши бундай алоқаларни кенгайтириш, шу жумладан чегара районларида ҳам кенгайтириш учун катта имкониятлар беришига аминмиз. Ҳамкорликка доир баъзи катта проблемалар эшик қоқмоқда, деса бўлади. Масалан, биз чегарадаги Амур «сув тўсиғи» деб қаралишини истаймиз. Мана шу қудратли дарёнинг ҳавзаси бу ердаги мавжуд ғоят бой ресурслардан умумий наф кўриш ва сув хўжалиги қурилиши йўлида фойдаланиш соҳасида хитой ва совет халқлари куч-ғайратларининг бирлаштирувчи бўлиб қолсин. Шу хусусдаги ҳукуматлараро битим ҳозирдаёқ биргаликда ишлаб чиқилмоқда. Чегара эса расмий равишда асосий ўзандан ўтиши мумкин бўлур эди.

Совет ҳукумати Синьцзян—Уйғур автоном районини Қозоғистон билан боғлайдиган темир йўл қурилишида кўмаклашиш тўғрисидаги масала хусусида ижобий жавоб ҳозирламоқда.

Биз космос соҳасида ХХР билан ҳамкорлик қилишни таклиф этдик, бунга Хитой космонавтларини тайёрлашни киритиш мумкин бўлур эди, Маданият, маориф соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг катта имкониятлари мавжуд. Биз шунга тайёрмиз ва мана шуларнинг ҳаммасини астойдил истаймиз.

Япония билан муносабатлар тўғрисида. Бунда ҳам яхшилик сари бурилиш нишоналари намоён бўлмоқда. Шундай бурилиш рўй берса яхши бўлур эди. Мамлакатларимизнинг дунёдаги объектив аҳволи соғлом реалистик асосда, ўтмиш проблемалари билан мушкулланштирилмаган осойишта муҳитда чуқур ҳамкорлик қилишни тақозо этади. Бу йил шунга асос солинди. Ташқи ишлар министрларининг визитлари бўлиб ўтди. Олий даражадаги визитлар кун тартибида турибди.

Ҳўжалик кооперацияси иккала томонни қизиқтирмоқда. Биринчи навбатда гап ҳозирдаёқ япон фирмалари билан амалий ҳамкорлик тажрибаси мавжуд бўлган бизнинг соҳилбўйи районларимиз тўғрисида бормоқда. СССР билан Японияннинг туташ ва бир-бирига яқин жойлашган районларида қўшма корхоналар барпо этиш тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилиш мумкин. Океан ресурсларини тадқиқ этиш ва комплекс ўзлаштириш соҳасида узоқ муддатли ҳамкорлик йўлга қўйилса, космосни тинчлик мақсадларида ўрганиш ва ундан фойдаланиш программаларини бирлаштирса ҳам бўлмайдими? Японларда муносабатларни кучайтириш методи мавжуд бўлиб, у «иқтисодий дипломатия» деб аталади, шекилли. Бу гал у Совет — Япония ҳамкорлигига хизмат қилаверсин.

Тинч океан регионида Совет Иттифоқи Қўшма Штатлар билан ҳам чегарадошдир. Том маънода яқин қўшни, масофа атиги 7 километр — Совет Иттифоқининг катта Диамид оролидан Американишт кичик Диамид оролигача бўлган масофа худди шунча келади.

Қўшма Штатлар буюк Тинч океан давлати эканлигини биз равшан тасаввур қиламиз. Аввало шунинг учунки, АҚШ аҳолисининг талай қисми шу океан соҳилларида яшайди. Американишт бу ерга талпинаётган ғарби мамлакат ҳаётида тобора кўпроқ роль ўйнамоқда, жўшқин ривожланиши билан фарқ қилмоқда. Яна шунинг учунки, Қўшма Штатлар, шубҳасиз, регионда муҳим иқтисодий ва сиёсий манфаатларга эга.

Ҳеч шубҳа йўққи, Тинч океан зонасида хавфсизлик ва ҳамкорлик проблемасини АҚШсиз, унинг иштирокисиз барча учун қониқарли тарзда ҳал этиб бўлмайди. Афсуски, ҳозирча Вашингтон бунга тайёр эканлигини намоён қилмаяпти, ҳатто Тинч океан мавзуида жиддий гаплашиб олишни хаёлига ҳам келтирмаяпти. Борди-ю, шу мавзу тилга олинган тақдирда ҳам уни «совет хавфи» бор деган сийқа йўлга олиб чиқмоқда ва шу афсонани мустаҳкамлаш учун қуролни пеш қилмоқда.

Бизнинг АҚШ билан муносабатларга ёндашувимиз маълум. Биз тинчлик, яхши қўшничилик муносабатлари, тенг ҳуқуқли муносабатлар тарафдоримиз, ўзаро манфаатли ҳамкорлик тарафдоримиз, дарвоқе бунинг учун Узоқ Шарқда ҳам, Тинч океанда ҳам талайгина имкониятлар мавжуд.

Модомики, АҚШ тўғрисида гап очилган экан, ҳозир бизнинг муносабатларимиздаги энг муҳим нарса — қуролланиш пойгасини тўхтатиш тўғрисида икки оғиз гапираман. Совет Иттифоқи Женева учрашувидан кейин қурол-яроғларни қисқартириш ва тугатиш ҳамда шу жараённи контроль қилиш бутун проблематикаси юзасидан кенг миқёсли кўп таклифларни киритди. Биз бунга жавобан ҳаракатни кўрмадик. Аслини олганда бизга ҳам Женевагача бўлган нарсаларни тиқиштираверишди.

Бир жойда депсиниб туришга барҳам бериш мақсадида биз яна ҳам кўпроқ ён босдик—июнь ойида АҚШ президентига йўлланган мактубимда муросани кўзловчи янги катта таклифларни олға сурдик. Мен бу ерга,— Узоқ Шарққа келганимда президент Рейгандан жавоб олдим. Бу жавоб фикрлашга ундайди. Биз уни ўрганишга киришдик. Бунга масъулият ва эътибор билан муносабатда бўламиз. Биз учун аввало мактубда баён этилган таклифлар баббаравар хавфсизлик принципига қанчалик мос келиши — улар қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва шундай пойганинг космоса ёйилишига йўл қўймаслик соҳасида биргаликдаги самарали қарорларга келиш имконини бериши муҳимдир. Ўзимизнинг бундан буёнги қадамларимизни шунга мувофиқ белгилаймиз.

Олий даражадаги янги Совет — Америка учрашувига келганда, такрорлашим мумкинки, биз бундай учрашув тарафдоримиз. Аммо Женевада аввалги учрашувда эришилган аҳдноманинг гўё у бундан буён ҳам учрашиб туришни ваъда қилишдан иборат, деб талқин этилишига қатъиян қаршимиз. Йўқ, ўшанда биз президент Рейган билан аҳдлашиб олган ва имзолаган энг муҳим нарса — СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришга, халқаро вазиятни соғломлаштиришга эришамиз, қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисидаги музокараларнинг боришини жадаллаштирамиз деган фикрга қўшилишдан иборат бўлган эди. Янги учрашув ҳам шунга хизмат қилиши керак.

Совет Иттифоқи мамлакат Шарқида қуролли кучларини кўпайтирмоқда, деган ҳар хил уйдирмаларни биз чет эллардан тез-тез эшитиб турамиз. Бутун масъулият билан шуни айтаманки, биз мудофаамизнинг, дўстларимиз ва иттифоқчиларимизнинг, айниқса Американишт ўзимизнинг чегарамиз ва дўстларимиз чегаралари яқинидаги ҳарбий фаолиятини ҳисобга олиб, ҳимоя қилишнинг минимал эҳтиёжларига мос келадиганидан ортиқ ҳеч нарса қилаётганимиз йўқ ва қилмаймиз ҳам.

Бу гап ўртача олислик ракеталарига ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Дунёда кескинлик камайтирилишини истамаётган кимсалар гўё Совет Иттифоқи ўзининг СС-20 ракеталарини Ғарбдан Шарққа ва Шарқдан Ғарбга кўчириши мумкин, деб ҳамон даъво қилмоқдалар. Шунинг учун яна бир бор эслатиб ўтаман: биз Европада Американишт ҳам, Совет Иттифоқининг ҳам ўртача олислик ракеталарини **йўқ қилишни,** уларни бирон-бир бошқа жойга кўчиришни эмас, балки айни йўқ қилишишни таклиф этмоқдамиз. Бу нарса Осиё мамлакатларининг манфаатларига ҳам хизмат қилмасдан қолмаслиги равшан.

Шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, Совет Иттифоқи — ҳарбий гуруҳларни тарқатиб юбориш ҳамда Осиё ва Тинч океанда чет эл базаларидан воз кечишнинг, ўзгалар территориясидан қўшинлар олиб чиқиб кетилишининг эътиқодли тарафдоридир. СССР — Варшава Шартномасининг аъзоси, лекин бу Европа мудофаа иттифоқи бўлиб, Шартномадаги қатъий географик доираларда амал қилади. Ўз навбатида биз АҚШнинг НАТО «ваколати»ни бутун дунёга, жумладан Осиё ва Тинч океанга ёйиш йўлидаги уринишларига қатъиян қарши чиқамиз.

Осиё — Тинч океан регионидаги хавфсизлик тўғрисида юритаётган фикр-мулоҳазаларимизнинг таги пуч эмас. Бу фикр-мулоҳазалар ўтмишдаги ва ҳозирги тажрибани ҳисобга олади. «Панча шила» ва Бандунг принципларини унутилгани йўқ. Кореяда яраш, 1954 йилда Ҳиндихитойга доир ўтказилган Женева конференши, Тошкентдаги Ҳиндистон — Покистон битими каби ижобий мисоллар дипломатия тажрибасига кириб қолди. Шу кунларда ҳам биз бир қанча давлатларнинг муштарак иқтисодий проблемаларни амалий ҳал этиш борасида куч-ғайрат сарфлаётганликларини, можароли вазиятларни бирон-бир йўл билан бартараф этишга уринаётганликларини кўриб турибмиз. АСЕАН фаолиятида, икки томонлама алоқаларда ижобий жиҳатлар оз эмас. «Тинч океан ҳамжамияти» режаси рад этилгандан кейин «Тинч океаннинг иқтисодий ҳамкорлиги» ғояси муҳокама қилинмоқда. Биз бу ғояга холис муносабатда бўлдик, ўз-ўзидан равшанки, бундай ҳамкорлик кимдир тиқиштирган блокбозлик, антисоциалистик схемага кўра тасаввур қилинмай, балки ҳеч қандай камситувларсиз эркин мунозара натижаси бўлган тақдирда унинг эҳтимол тутилган асослари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларга қўшилишга тайёрмиз. Янги жаҳон иқтисодий тартибни вужудга келтириш тўғрисидаги, Ғарбда ва Шарқдаги интеграция тажрибаси ҳақидаги масала юзасидан илмий ва сиёсий ечимларнинг ҳозиргача тўпланган анча кенг мажмуаси бундай мунозаралар учун дуруст асос бўлиб қолиши мумкин эди.

Биз Хельсинки конференцияси қабилида океанга туташ барча мамлакатлар иштироки билан Тинч океан конференциясини ўтказишни яқин келажакдаги мақсад сифатида таклиф этган бўлур эдик. Конференцияни чақириш тўғрисида аҳдлашиб олишга муваффақ бўлинса (ўз-ўзидан равшанки, шунга муваффақ бўлинган тақдирда) у ўтказиладиган жой тўғрисида ҳам келишиб олиш мумкин бўлади. Хиросима — шундай жойлардан биридир. Бу шаҳар — атом ёвузлигининг биринчи жабрдийдаси Осиё ва Тинч океаннинг ўзига хос «Хельсинки»си бўлиб қолса нима қилибди?

Гапимни якунлар эканман, шуни яна бир бор таъкидламоқчиманки, биз КПСС XXVII съездида айтиб ўтилганидек, Осиё — Тинч океан региони кенг ҳамровли халқаро хавфсизлик системасини яратишдан иборат умумий жараёнга қўшилиши тарафдоримиз.

Ҳўш, биз буни конкрет қандай тасаввур этмоқдамиз?

Биринчи навбатда регионлардаги аҳволни бартараф этиш масалалари ўз-ўзидан келиб чиқади. Афғонистон тўғрисида алоҳида айтиб ўтаман. Ҳозир Жанубий-Шарқий Осиё ва Кампучия тўғрисида гапирмоқчиман.

Ҳмер халқи даҳшатли қурбонлар берди. Бу мамлакат, унинг шаҳар ва қишлоқлари неча марталаб Америка бомбардимонларига дуч келган эди. У ўзига дўстлар ва иттифоқчиларни танлаш ҳуқуқини машаққатлар билан қўлга киритди. Эндиликда уни фожиали ўтмишга қайтаришга, шу давлатнинг бундан буёнги тақдирини олис пойтахтларда ёки ҳатто БМТда ҳал этишга йўл қўйиб бўлмайди.

Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа проблемалари каби бунда ҳам кўп нарса Хитой — Вьетнам муносабатларини нормаллаштиришга боғлиқ бўлади. Бу — иккала мамлакат ҳукуматлари, раҳбарларининг суверен ишидир. Биз ана шу социалистик давлатлар ўртасидаги чегара яна тинчлик ва яхши қўшничилик чегараси бўлиб қолишидан ҳамда ўртоқларча мулоқот қайта тикланишидан, кераксиз шубҳа-гумон ва ишончсизликка барҳам берилишидан манфаатдор эканлигимизни билдиришимиз мумкин, холос. Ҳозир қулай пайт келган кўринади, бутун Осиё эса шунга муҳтождир.

Ҳиндихитой билан АСЕАН мамлакатлари ўртасида ўзаро мақбул муносабатларни ўрнатиш йўлида ўтиб бўлмайдиган ғовлар йўқ, деб ўйлаймиз. Холис ният бўлган тақдирда ва четдан аралашмаслик шароитида улар ўз проблемаларини айни вақтда Умумосиё хавфсизлиги манфаатлари йўлида ҳам бартараф эта олган бўлур эдилар.

Корея ярим оролида ҳатарли кескинликни тугатишгина эмас, шу билан бирга бутун корейс халқининг миллий проблемасини ҳал этиш йўлидан ҳаракат қила бошлаш учун ҳам имконият мавжуд. Ҳақиқатан ҳам корейс манфаатларига асосланган тақдирда КХДР таклиф этаётган жиддий мулоқотдан бўйин товлаш учун оқилона сабаблар йўқ.

Иккинчиси. Биз Осиёда ва Тинч океанда **ядро қуролининг** тарқатилиши ҳамда кўпайтирилиши йўлига ғов солиниши тарафдоримиз. Маълумки, СССР мамлакатнинг Осиё қисмида ўртача олислик ядровий ракеталарини кўпайтирмаслик мажбуриятини олган.

СССР Тинч океанининг жанубий қисми ядросиз зона, деб эълон қилинганлигини қўллаб-қувватлайди ва ядро қуролига эга бўлган барча давлатларни унинг статусини бир томонлама ёки кўп томонлама тартибда гарантиялашга даъват этади.

КХДРнинг Корея ярим оролида ядросиз зонани вужудга келтириш тўғрисидаги таклифини рўёбга чиқариш муҳим ҳисса бўлур эди. Жанубий-Шарқий Осиёда шундай зонани вужудга келтириш ғояси муносиб эътиборни жалб қилди.

Учинчиси. Тинч океанда **ҳарбий флотларнинг,** биринчи навбатда ядро қуроли билан таъминланган кемаларнинг активлигини камайтириш тўғрисида музокараларни бошлашни таклиф этамиз. Сув ости кемаларига қарши қурол соҳасидаги рақобатчиликни чеклаш, жумладан Тинч океанининг муайян зоналарида сув ости кемаларига қарши ишлардан тийиниб туриш тўғрисидаги шартнома барқарорликни мустаҳкамлашга ёрдам берган бўлур эди. Бу эса муҳим ишонч-тадбири бўлиб қолиши мумкин эди.

Қолаверса, умуман шуни ҳам айтмоқчи-манки, АҚШ масалан, Филиппинда қуролли кучларни сақлаб туришдан воз кечган тақдирда биз ҳам қарздор бўлиб қолмасдик.

Биз **Ҳинд океанини тинчлик зонасига** айлантиришга доир музокара яна бошланишининг ҳамон ва қатъий тарафдоримиз.

Тўртинчиси. Совет, Иттифоқи **Осиёда қуролли кучлар ва оддий қурол-яроғлар оқилона** даражада етарли бўлган миқдорларгача тубдан **камайтирилишига** катта аҳамият бермоқда. Бу проблемани қандайдир бир райондан, масалан Узоқ Шарқдан бошлаб қисмларга ажратган ҳолда, босқичма-босқич ҳал этиш кераклигини яхши биламиз. Шу жиҳатдан СССР қуруқликдаги кучлар даражасини нисбатан тенг камайтиришга қаратилган конкрет тадбирларни ХХР билан муҳокама қилишга тайёрдир.

Бешинчиси. Совет Иттифоқи регионда ишонч тадбирлари ва куч ишлатмасликни амалий равишда муҳокама қилиш вақти аллақачон келди, деб ҳисоблайди. Ишни оддийроқ чоралардан, масалан Тинч океанда денгиз коммуникацияларининг хавфсизлигига, шунингдек халқаро терроризмнинг олдини олишга доир чора-тадбирлардан бошлаш мумкин.

Шундай тадбирларни муҳокама қилиш ва ишлаб чиқиш учун конференцияни Совет Иттифоқининг денгиз бўйидаги шаҳарларидан бирида ўтказиш мумкин бўлур эди. Дарвоқе вақти келиб, Владивостокни чет эллик-ларнинг келишлари учун очиб қўйиш тўғрисидаги масалани ҳам ҳал қилиш мумкин бўлур эди. Тинч океандаги вазиятни яхшилик сари ўзгартиришга ҳақиқатан ҳам муваффақ бўлинган тақдирда Владивосток энг катта халқаро марказлардан бири, савдо ва маданият маскани, фестивваллар, спорт учрашувлари, конгресслар, илмий симпозиумлар ўтказиладиган шаҳар бўлиб қолиши мумкин эди. Биз уни ўзимизнинг Шарқ томонга кенг очиб қўйилган эшигимиз ҳолида кўришни истардик. Ўшанда улуғ Пушкинимизнинг сўзлари билан айтганда, «Бунда ҳам жамики меҳмонлар келаберсин, ҳузуримизга».

Пировардида — Афғонистон тўғрисида. КПСС XXVII съезди минбарида туриб айтилганидек, биз ана шу мамлакат ҳукуматининг илтимосига биноан у ерда турган совет қўшинларини уйига қайтаришга тайёрмиз. Эндиликда партия: сўз бердингми — бажар, деган принципга қатъий амал қилаётганлигини ўзларингиз биласизлар.

Совет раҳбарлари вужудга келаётган вазиятни ҳар томонлама баҳолаб ва АДР ҳукумати билан маслаҳатлашиб шундай қарор қабул қилдиларки, уни мен бугун расмий равишда эълон қиламан: 1986 йилнинг охирларигача 6 та полк — бир танк полки, икки мотоўқчилар полки ва уч зенит полки штатдаги бутун техникаси ва қурол-яроғлари билан бирга Афғонистондан Ватанига қайтарилади. Ана шу қисмлар Совет Иттифоқидаги доимий турадиган районларига қайтарилади ва шу тариқа қизиқувчиларнинг ҳаммаси шунга осонгина ишонч ҳосил қила оладилар.

Биз бу ҳақда манфаатдор давлатларни, шу жумладан Покистонни олдиндан хабардор қилиб қўйдик. Совет Иттифоқи шу қадар жиддий қадам қўяр экан аҳволни сиёсий йўл билан бартараф этишни жадаллаштиришга, унга яна бир омил бахш этишга интилмоқда. Ў яна шунга ҳам асосланадики, АДРга қарши қуролли бостқинчиликни уюштириб амалга ошираётган қисмалар бизнинг мана шу қадамимизни тўғри тушуниб муносиб баҳолайдилар. Бунга жавобан Демократик Афғонистон ишларига ташқаридан аралашув тўхтатилиши лозим.

Кейинги вақтларда БМТ Бош секретарининг вакили воситачилигида олиб борилаётган Афғонистон билан Покистон музокараларида бирмунча силжишга эришилди. Сиёсий бартараф этиш йўли узил-кесил ишлаб чиқилиши биланоқ барча совет қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетиш ҳам шунга мувофиқ жадаллаштирилиши мумкин. Уларни босқичма-босқич олиб чиқиб кетиш муддатлари ҳам Афғонистон томони билан келишиб олинди.

Бироқ, Афғонистонга қарши эълон қилинмаган урушни рағбатлантираётган ва пул билан таъминлаётган ҳамда бу уруш кимнинг территориясидан туриб олиб борилаётган бўлса, ўша кимсаларнинг ҳаммаси шуни билиб қўйишлари керакки, АДРга қарши интервенция давом этадиган бўлса, Совет Иттифоқи қўшинсини кулфатда қолдирмайди. Бизнинг афғон халқи билан интернационал бирдамлигимиз, худди шунингдек Совет Иттифоқи хавфсизлиги манфаатлари фақат шуни тақозо этади.

Биз Афғонистон ҳозирги раҳбарларининг миллий тотувликка, Апрель миллий демократик революциясининг социал негизини мамлакат ташқарисига чиқиб қолган, аммо янги Афғонистонни барпо этиш умуммиллий жараёнида астойдил қатнашишга тайёр бўлган сиёсий кучлар иштирокидаги ҳукуматни тузишгача кенгайтиришга қаратилган йўлини қўллаб-қувватлаймиз.

Ўртоқлар! Ҳозирги авлодларга кўпгина қийин, машаққатли проблемалар мерос бўлиб қолган. Ана шу проблемаларни ҳал этиш сари ҳаракат қилиб бормоқ учун ўтмиш юкидан халос бўлиш, ҳозирги давр ва келажак олдидаги масъулиятга амал қилиб, янги ёндашувларни излаб топиш керак.

Совет давлати Осиё-Тинч океандаги барча мамлакатларга мурожаат қилиб, тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлидаги ҳамкорликка

ПАРТИЯ ХАЛҚ БИЛАН МАСЛАҲАТЛАШМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Марказий ложада КПСС Приморье ўлка комитетининг биринчи секретари Д. Н. Гагаров, СССР Ҳарбий-Денгиз Флотининг Бош қўмондони флот адмирали В. Н. Чернавин, Қизил Байроқ орденли Тинч океан флотининг қўмондони адмирал В. В. Сидоров бор эдилар.

Байрамдан кейин КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари «Тинч океан флотининг жанговар шуҳрати» ёдгорлик комплексини бориб кўрди ва мангу олов ёнига гуллар қўйди. У тилларда достон бўлган «С-56» сув ости кемасининг экспонатлари билан танишди. 1943 йилнинг мартида шу кема денгизлар ва океанлар оша узоқ давом этган сафардан кейин Шимолий флотда жанг ҳаракатларига актив қўшилган эди. Сув ости кемаси фашистларнинг 10 та транспорт ва жанговар кемасини йўқ қилиб, 4 тасига шикаст етказганди.

М. С. Горбачев ёдгорлик комплексининг фахрий зиёратчилари китобига қуйидагиларни ёзиб қолдирди: «Азиз Тинч океан денгизчилари!

«Тинч океан флотининг жанговар шуҳрати» ёдгорлиги билан ғоят қизиқиб танишдим. Бунда Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашда Тинч океанлик жангчиларнинг қаҳрамонона жасоратлари абадийлаштирилган. Ёдгорлик флотнинг шонли анъаналарини пропаганда қилиш, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни қийин ва фахрли ҳарбий денгизчи касбига тайёрлаш соҳасидаги актив ишлар учун яхши негиздир.

Тинчокеанлик денгизчиларга жанговар маҳоратни такомиллаштиришда ва Совет Иттифоқининг Узоқ Шарқ соҳилларидаги давлат манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат ҳарбий бурчларини адо этишда яуваффақиятлар тилайман.

Қаттиқ синов йилларида Ватанимизни ҳимоя қилиб қолган кишиларнинг жасоратларига муносиб бўлингиз!»

Ёдгорлик яқинида М. С. Горбачев узоқшарқликлар билан суҳбатлашди:

М. С. Горбачев: Мен бугун кўп гапиряпман, хўш, ўртоқлар, сизлар менга нимани айтмоқчисизлар? Сизларнинг фикрингизча, съездан кейин ҳозирча қайси ишимиз юришмаяпти?

Ишчи: Бошлиқларга, раҳбарларга ҳам тезроқ ишбай ҳақни жорий этиш керак. Пировард натижа учун жавоб беришадиган бўлишсин...

М. С. Горбачев: Социализмда иш шундай йўлга қўйилиши керак: Қонун ҳамма учун бир, интизом ҳамма учун бир, тартиб ҳамма учун бир. Ҳамма меҳнат қилиши керак.

Оғирми? Ҳаммага оғир бўлиши керак. Аҳвол яхшиланмоқдами? Ҳамма енгил тортиши лозим. Борди-ю қандайдир группа ёки бир киши (бундай ҳоллар оддий кишилар ўртасида ҳам, бошлиқлар ўртасида ҳам бўлиб туради) ўз ўрнида бир оз ўзини кўрсатиш учун, бунинг устига баъзида нопок йўл билан фойдаланса, бошқа биров ўз мансабидан умуман қонунга ҳилоф равишда фойда чиқара бошласа, бу ярамайди, ўртоқлар.

Халқимизнинг потенциали ғоят катта, биз — жаҳонда энг маълумотли халқмиз, жуда матонатли, керак бўлиб қолганда қўлни-қўлга бериб ҳар қандай вазиятни тўхтатиб қолиб, уни уддалашга қодир халқмиз. Шундай халқмизки, биз учун Ватан туйғуси ҳамиша азиздир. Оилада, коллективда қийинчиликлар бўлади, баъзида жуда оғир ҳам бўлади. Шундай бўлсада, сирасини айтадиган бўлсак, халқимизнинг мададкорлик туйғуси, мамлакат, масъулият туйғуси кучли ривожланган. Бу эса авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Ҳозир биз ўз йўлимизни белгилаб олдик. Шу йўлда нималар қилиш кераклигини ҳам аниқладик. Ҳамма шу ишга қўшилиши керак. Баъзилар шундай деб ўйлайди: Эҳтимол, раҳбарлар ўзгаргандан кейин қандайдир яхши ёки ҳаддан ташқари яхши, кўнгилчан киши келган бўлса, қарабсизки, халққа бирон нарса униб жамият кенг одим ташлаб олға томон ҳаракат қила бошлаганидан кейингина биздан ҳамма нарса «унади».

Буни қаерда бўлишдан қатъи назар ҳар бир иш жойидан, тартибдан, интизомдан, виждонан ишлашдан бошлаш керак. Буларнинг ҳаммасини бошлаш учун халқ мамлакатда ўзини ҳақиқий соҳиб деб ҳис этиши керак. Бу, сирасини айтганда, социализмга хос оддий, реал нарсалардир.

Кўпчилик шундай дейди: Бизнинг ҳуқуқларимиз шунчалик кўпки, улардан қай йўсинда фойдаланишни билмаймиз. Афтидан, ўз зиммамизга масъулият олишни унутиб қўйганга ўхшаймиз. Буйруқни тинчгина бажариш осонроқдир. Вазифанг шуми — бажар, — дейишади. У бўлса нима қилишини билмайди.

Илгари унга: ер ҳайда, экин эк, йиғиштириб ол, ундай қил, бундай қил, дейишарди. Ҳозир эса яхши натижага эришиш учун нима қилиш кераклиги тўғрисида бош қотириш зарур. Ҳозирги вақтда биз корхоналар, колхозлар, совхозлар, қурилишларнинг мустақил бўлишини кўзлаб иш юритяпмиз. Аммо мустақиллик — бу ҳам ҳуқуқ, ҳам катта масъулият-дир. Бироқ бу мустақиллик жамият олдида масъулиятли бўлиш мустақиллигидир. Келинглар, катта одимлар билан суръатни тезлаштириб бораверайлик.

Савол: Михаил Сергеевич, қалай, бизнинг одамлар сизга маъқул бўлишдими?

М. С. Горбачев: Кўришнишлари жойида, кайфиятлари ҳам яхши. Ҳақиқатни гапиришади, бу менга маъқул бўлди. Яхши нарсани яхши, ёмонни ёмон дейиш керак.

Владивосток чеккасидаги Лазурная кўрфази районида М. С. Горбачев туристларнинг катта бир группаси билан суҳбатлашди. Приморьеликлар ва уларнинг меҳмонлари Владивосток билан танишувдан дастлабки таассуротлар, келгусидаги иш режалари билан қизиқдилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари саволларга жавоб қайтарар экан, бундай деди:

— Мен Узоқ Шарқда биринчи марта бўлишим. Бу ер жуда хушманзара экан. Бу ажойиб табиат архитекторлар ва қурувчилар ихтиёрига берилса, бу ерда кўркам уй-жой, маданий ва санаторий ансамбларини бунёд этиш мумкин, деб ўйлайман.

Эртага мен Владивостокка Ленин ордени топшириш керак. **(Қарсаклар).** Биз мазкур регионни, Приморье ўлкаси ва Владивостокнигина эмас, умуман бутун Узоқ Шарқни тараққий эттириш режаларимиз тўғрисидаги баъзи фикр-мулоҳазаларни айтмоқчиман. Бунинг учун вақт келди. Илгари биз турли йўналишларда: Приморьеда, Хабаровск, Сахалин, Камчаткада ва Якутскда иш олиб борган эдик.

Ҳозир бу ишларнинг ҳаммасини бирлаштириш ва пухта ўйлаб кўриш керак. Чунки бу ерда ҳамма нарсани асосли равишда авж олдириб юбориш пайти келди. Асосли бўлиши учун эса бу ерда қандай имкониятлар мавжудлигини ҳисоблаб кўриш керак. Илм-фан соҳасида яхши иш олиб борилди ва кўпгина қизиқарли ахборотлар олинмоқда.

Иккинчи томондан қараганда, ишни нимадан бошлаш кераклигини ўйлаб кўриш лозим. Биринчи ўринда одамлар бу ерда турғун яшаб қолишлари учун, уларга шарт-шароит яратиш масаласи турибди. Бу масала ҳал этилса. бошқа тармоқларни ривожлантириш имконияти туғилади. Узоқ Шарқ хом ашёни етказиб беришга қолмай, айни вақтда ана шу хом ашёни тайёр маҳсулотга айлантириб бериши ҳам керак.

Овоз: Бизда аллақачон шундай сиёсат юритиш керак эди.

М. С. Горбачев: Энди эса сизларга, мени ҳамма жойда ва ҳамиша қизиқтирадиган бир саволни бермоқчиман. Ички, ташқи сиёсатимизга нисбатан сизларда бирон-бир шубҳа борми?

Овозлар: Йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бизлар сиёсатимизга катта умид боғлаймиз.

М. С. Горбачев: Мен шуни тўғридан-тўғри айтаманки, ҳар қандай сиёсат агар уни халқ қўллаб-қувватламаса, ҳеч қандай натижага эриша олмайди... Биз белгилаган барча режалар халқ манфаатларининга кўзланганлигини таъкидламоқчиман. Режаларимизнинг қайси бир сатрини олиб қараманг, у халқ манфаатларига йўналтирилганини кўрасиз. Масалан, текинхўрларга, ўғриларга, порахўрларга, мансабпарастларга, брак маҳсулот чиқарувчиларга бизнинг муносабатимиз қандайлигини олиб кўрайлик.

Овозлар: Уларга қарши қаттиқроқ курашиш керак.

М. С. Горбачев: Бундай қилиш кимларгадир ёқмаяпти, аммо жамият учун шундай қилиш зарур, ана шу илатлардан халос бўлиш керак.

Яна бир нарса ҳақида гапирмоқчиман, сизлар биз ўртага қўйётган катта вазифаларни тўла-тўкис тушунишингиз керак. Қайта қуриш фақат бошлиқларгагина тааллуқли эмас. Агар станок ёнида, қурилишда, далада, фермада ишлаётган кишилар ишни қайта қурмасалар, иш юришмайди. Агар сиёсат фақат ўзи билан ўзи бўлиб қолса, у шиорга айланади.

Планларни бажариш, ишлаб чиқаришни реконструкциялаш, фондларни янгилаш лозим. Олдимизда қийин вазифалар турибди. Лекин бу вазифалар олдида эсанкираб қолмайлик.

Социализм — халқ тузуми. Демак, халқ ўзини мамлакат соҳиби деб ҳис этиши керак. Бу энг муҳимидир. Фақат Горбачев қўлига калит олиб ҳаммасини очиб юбораман, деб айтаяпти деб ўйламанг. Бундай эмас, ҳеч нарса тайёр эмас. Калитлар эса сиз билан бизнинг қўлимизда. Тўғри сиёсат керак, халқнинг активлиги керак. Онгли равишда ишлашимиз, зўр ғайрат билан катта ишларни ва ошкора айтаманки, қийин ишларни бажаришимиз керак.

Уссури кўрфазига туташ веришдаги поғона-поғона хушманзара жойларда Узоқ Шарқдаги «Артек» — Бутуниттифоқ «Океан» пионерлар лагери жойлашган. Тинч океан сувлари мана шу ямяшил қояларни ювиб туради. Кўп қаватли корпус балконларида денгиз тўлқинлари мавж ургандек бўлди: зангори пилоткалар кийган пионерлар М. С. Горбачевни қарши олишади.

М. С. Горбачев: Болалар, қайси бирингиз Узоқ Шарқлик эмассиз?

Болалар бирданига қўл кўтаришади:

— Люба Шарова, мен — Читаданман.

— Андрей Гусаков, мен — Краснодардан келганман.

— Армен Арутюнян, мен — Ереванданман.

— Слава Горшенков, мен — Белоруссияданман.

М. С. Горбачев: Сизларга бу ер ёқадими? Армен, Арманистонга қараганда яхшими? Ахир ҳозир у ерда 35 даражагача иссиқ бўлмоқда.

— Биз бу ерда яхши яшаяпмиз, — дейишди болалар, — чунки биз ҳаммамиз жуда ақилмиз.

Сўнгра М. С. Горбачев Узоқ Шарқ пионерлар республикасининг корпусларини кўздан кечирди, ёш артистлар лагерда унинг шарафига қўйиб берган концертни томоша қилди. Мамлакат ёш авлоди бирлигининг мана шу ёрқин намойиши «Бу дунёни авайлаб асраш бизга васият қилинган!» шиори остида ўтди. Мамлакатимиз ёшлари ўз оталари ва оналарининг жаҳонни ядро уруши хавфидан ҳимоя қилишдек энг муҳим ишини давом эттиришга тайёрдир.

М. С. Горбачев болалар билан хайрлашар экан, Узоқ Шарқнинг «Артек» пионерлар лагери меҳмонлари дафтарига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирди:

«Азиз болалар! Сизлар билан — мамлакатимиз пионерларининг вакиллари билан учрашув хотирамда абадий сақланиб қолади! Соғлом ва довюрак бўлиб ўсингиз! Диёримизни, ўз халқингизни севингиз! Ер юзидаги барча болалар билан дўстлашингиз! Тинчликни авайлаб асранг! Ҳаммангизнинг йўлингиз ойдин бўлсин.»

Куннинг иккинчи ярмида М. С. Горбачев шаҳарнинг «Океан» фирма савдо марказига борди. Магазин ходимларга манзур бўлмоқда: Бу ерда хилма-хил маҳсулотлар етарли, навбат кутиб турган одамлар кўринмайди.

М. С. Горбачев: Одамлар сизларнинг савдоингиздан мамнунми?— Мамнунмиз,— дейди қатъий қилиб уч боланинг онаси Г. И. Минеева.— Бу ерда мўлжаллаган ҳамма нарсамни харид қилдим. Маҳсулотлар хилма-хил ва тез хизмат кўрсатишади.

М. С. Горбачев ёш сотувчи Валентина Левчукдан одамлар сотувчиларга қандай илтимослар қилишяпти? —деб сўради.

В. Левчук: Лосос балиғидан тайёрланган маҳсулотларни кўпроқ талаб қилишаяпти. Умуман маҳсулотларимиз хилма-хил, мунтазам келиб туради.

М. С. Горбачев: Масаллиғлар тайёрлашни ўрганганингиз жуда яхши, консервалар яхши сотиляптими? Харидорларга манзур бўлаяптими?

Магазин директори **К. В. Горохова:** — Ҳа, дуруст сотиляпти. Ҳозир бизда янги маҳсулот — сабзавот билан бирга томат соусидан тайёрланган кукумария сотиляпти. Янгилик ҳаммага ғоят манзур бўлди:

М. С. Горбачев: Москвадаги ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги мана шундай «Океан» магазинлари Владивостокдаги ушбу магазинга ўхшашлари учун нима халақит беради? Бундай «ўхшашлик»ни одамлар фақат олқишлаган бўлур эдилар.

Магазин ходимлари бу саволга конкрет жавоб беради-лар: Оз-оздан, ихчам ва қулай тарзда қадоқланган маҳсулотлар, кам. Қулинария маҳсулотларининг айрим турлари қўлда тайёрланаётганлиги сабабли улар етишмайди. Гап маҳсулотда эмас, энг аввало техникада қолган. Озиқ-овқат саноати эса суст модернизация қилинмоқда.

М. С. Горбачев «Узоқ Шарқ» сузиш базасини бориб кўрди. Кема қарийб чорак асрдан бери хизмат қилмоқда. Яқинда уни модернизация қилишга ва кемадан фойдаланиш муддати 10—12 йил узайтирилди. Сузувчи комбинат барча цехларининг меҳнат унумдорлиги ўсди, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқариш ортди.

М. С. Горбачев: Базанинг иши, коллектив билан учрашувлар тўғрисидаги таассуротларни ўртоқлашиб шундай деди:

— Қаерга бормайлик, ҳамма жойда реконструкциялаш ишлари зарурлигининг гувоҳи бўлдик, ўртоқлар. Сизларнинг орангизда ҳам одамлар соҳа механизациялаштирилгач, ишлар яхши йўлга қўйилганлигини айтишмоқда. Илгари вазифаларни янгиянги корхоналар қуриш ҳисобига ҳал этишар эди. Бу эса осон иш эмас. Янгидан бинолар қуриб, янгидан коммуникациялар ўтказиш, янгидан коллективлар ташкил этиш керак бўлади. Янги фондлардан эса яхши фойдаланилмас, қурилиш узоқ давом этар эди. Вазифани ҳал этиш йўли сизлардаги сингари соҳани модернизациялашдан иборат.

Сизлар модерницазиялаш ишларига сарфлаган харажатлар бир йилда деярли тўла қопланганлигини ҳисоблаб чиқишди. Мана реконструкциянинг самараси. Келинглар, ўйлайлик, ҳамиша тинмай ўйлайлик, ўзимизга ҳам, бошқаларга ҳам тинчлик бермайлик. Катта ишлар қилинди. Шаҳрингизда кўрган нарсаларим менга маъқул бўлди. Қолган ишлар тўғрисида ўзларингиз ўйлаб кўринглар. Сизлар— меҳнат коллективисиз, совет қонунлари асосида иш кўрингиз, ҳар бирингиз ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгасиз, айни вақтда баҳамжиҳат, ўртоқларча, елкама-елка туриб ишлаш керак, — деди пировардида М. С. Горбачев. — Денгизчилик, балиқ овлаш ишида шундай қилиш айниқса зарур.

А. БЕЛИКОВ,
Б. ГРИШЧЕНКО,
Н. ЖЕЛЕЗНОВ.
(ТАСС махсус мухбирлари).

ЕНГ ШИМАРИБ ИШГА КИРИШАЙЛИК

М. С. Горбачевнинг Приморье ўлкасида бўлиши

НАХОДКА, 28 июль. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Приморье ўлкаси бўйлаб сафари давом этмоқда. Унинг меҳнат коллективларидаги, кўчалардаги батафсил суҳбатлари Коммунистик партия раҳбарининг халқ кенг табақалари билан қизғин амалий маслаҳатлашувига айланиб кетмоқда.

Бугун куннинг биринчи ярмида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Находкада бўлди. Шарқий портга бораётганида у Новицкое қишлоғининг меҳнаткашлари билан суҳбатлашди.

М. С. Горбачев совхоз ходимлари қандай яшаётганликларини, хўжаликда ишнинг боришини суриштирди. Қишлоқ аҳли Находка шаҳрининга эмас, бошқа районларни ҳам ўз маҳсулоти билан таъминлаётганлигини айтишди.

М. С. Горбачев: Ютуқларингиз мамнун этди. Сиз ўзингизни мамлакатдан ажралиб қолгандек ҳис этмаяпсизми?

Овозлар: Йўқ, бундай ҳис этмаяпмиз, радио ва телевидение бор.

М. С. Горбачев: Бутун мамлакат билан алоқа — бу жуда муҳимдир. Мен сизга айтсам, бу алоқа яна ҳам мустаҳкам бўлади. Биз Узоқ Шарқни яна ҳам ривожлантириш ниятидамиз.

Овозлар: Раҳмат, Сиз биз билан мана шундай амалий суҳбатлашяпсиз.

М. С. Горбачев: Бундай суҳбатлар муҳимдир. Чунки шу суҳбатлар чоғида кўпгина янги, фойдали нарсаларни билиб оламиз. Энг асосийси эса, бир-биримизни тушунишимиз ва келишиб олганимиздек ҳамма ишни виждонан бажаришимиз керак. Қаердан келганингизни билсам бўладими?

Совхоз ходими: Биз украиналикмиз, 32 йилдан бери шу ерда ишлаб, шу ерда яшаяпмиз. Бу ер бизга ёқди қолди, қайтиб кетишни хаёлимизга ҳам келтирмаяпмиз.

М. С. Горбачев: Бу жуда соз. Ичкиликбозликка қарши кураш тўғрисидаги фармонга нима дейсиз, хабардордирсиз?

Овозлар: Хабардормиз, яхши фармон. Аллақачон шундай қилиш керак эди.

М. С. Горбачев: Эркакларнинг фикри ҳам шундайми? Эҳтимол, ҳамма ҳам бундай фикрда эмасдир? Билсангиз, баъзилар бизни койиб ҳам қўйгандир. Аммо бир икки йил қийналишади. Кейин эса шундай бўлиши лозимлигини тушуниб олишади, деб ўйлайман. Оила ҳам мустаҳкам, техника ҳам ишончли қўлларда бўлади, энг асосийси — сиҳат-саломатлик таъминланади. Ҳамма нарса яхшироқ бўлади.

М. С. Горбачев қишлоқ меҳнаткашлари билан хайрлашар экан, суҳбат учун уларга миннатдорчилик билдирди. Ҳаммангиз соғ-саломат бўлинг ва эришган ютуқларингизни мустаҳкамлаверинг, Биз эса Узоқ Шарққа тобора яқинлашаверамиз.

Шундан кейин М. С. Горбачев шарқий портга борди. Бу энг йирик денгиз транспорт узели энг сўнгги техника ютуқлари асосида қурилган, бу ерда илғор технология қўлланилмоқда. Юкларнинг асосий қисми контейнерларда ташилмоқда. Юк ортиш ишларининг автоматлаштирилганлиги портнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Қўл меҳнати камайди, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва маданияти ошди. Юклар сақланиши мустаҳкам таъминланди. Яна бир кўмир портининг юксак даражада механизациялаштирилганлиги юк ортиш муддатларини анча жадаллаштириш, докерларнинг меҳнат шароитини яхшилаш имкониятини берди.

13 йил муқаддам биринчи причал ишга туширилган эди. Шу давр мобайнида 25 миллион тоннадан кўп юк ташилди. Бу йил портчилар 7,8 миллион тонна—пландагига нисбатан 500 минг тонна кўп юк ортиш ва туширишни мўлжалламоқдалар.

Порт ва Узоқ Шарқ денгиз пароходчилиги раҳбарлари билан суҳбатда КПСС Марказий Комитети Бош секретари юк ташиш муддатларини жадаллаштириш, шериклар — темирйўлчилар ва автомобилчилар билан ўзаро алоқаларга қизиқди.

Сиз бу ўлкада яхши ўрнашиб олибсиз. Аммо яхши об-ҳаво етишмаяпти, деди М. С. Горбачев портдан қайтиб келаётганида Находка аҳолиси билан учрашганида. Сизнинг портингиз эса юк ортиш ва туширишда жаҳондаги энг йирик портлардандир. ажойиб порт!

Находкаликлар: Фақат портгина эмас, шаҳримиз ҳам яхши. Кема ремонт қиладиган иккита заводимиз, денгизда балиқ овлаш базамиз бор, аммо одамлар етишмаяпти.

М. С. Горбачев: Агар рўйрост айтадиган бўлсак, менинг фикримча энг катта нуқсон шундаки, ишлаб чиқариш уй-жой, инсонга хизмат кўрсатиш соҳасига нисбатан жадаллаб кетган.

М. С. Горбачев Находка аҳолиси билан хайрлашар экан, бундай деди: находкага бирров кириб ўтганимдан ҳам ҳурсандман. Ҳамма ерда ҳам ишончи комил, феълатвори бир хил бўлган одамларимизни кўрдим. Ҳамма ерда ҳам интернационал коллективларга дуч келдик. Бу — бизнинг мамлакатимиздир. Одамлар иноқ яшаб, бир-бирларига мадад бераётганликлари айниқса яхшидир. Халқимиз қобилиятли халқ. Истеъдодлар етарли. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва олимлар орасида ҳам истеъдодли кишилар кўп. Халқимиз ўз мамлакатига содиқ ва катта ишларни қилишга қодирдир.

Овозлар: Ҳа, Узоқ шарқликлар бунга тайёрдирлар!

М. С. Горбачев Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалоқ бўлган находкалик кишилар шарафига ўрнатилган ёдгорлик пойига гуллар қўйди.

А. БЕЛИКОВ,
Б. ГРИШЧЕНКО,
Н. ЖЕЛЕЗНОВ.
(ТАСС махсус мухбирлари).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● НЬЮ-ЙОРК

«Тинчлик велосипед пойгаси — 86» Нью-Йоркда бошланган Миллатлар Ташкилоти қарорғоҳи олдидаги майдонда маррага етди. Пойга Европа мамлакатлари, Канада ва АҚШ территориясидан ўтди. Канада, Совет Иттифоқи, Қўшма Штатлар ва Чехословакия вакиллари қатнашган тинчлик миссиясини маршрутнинг ҳамма пунктларида маҳаллий аҳоли қизғин кутиб олди. «Тинчлик велосипед пойгаси—86» тинчлик ғояларини тарғиб қилиш, турли давлатлар халқларининг ядро фалокати хавфига қарши курашда куч-ғайратларини бирлаштириш ишига қўшилган яна бир ҳисса бўлиб қолди.

● ДАМАШҚ

Дамашқда Сурия президенти Хафиз Асад билан Иордания қироли Хусайн ўртасида олиб борилган музокаралар тугади. Қўшни араб давлатларининг бошлиқлари Яқин Шарқдаги аҳволни, шунингдек икки томонлама муносабатларга тааллуқли масалаларни муҳокама қилдилар. Бугун Иордания қироли Хусайн ва унга ҳамроҳ делегация Сурия пойтахтидан жўнаб кетди.

● ХАНОЙ

Пойтахт жамоатчилигининг бу ерда бўлиб ўтган оммавий митинги қатнашчилари Никарагуа халқининг озодлик ва мустақиллик учун олиб бораётган қаҳрамонона адолатли курашини тўла-тўкис қувватлаб гапирдилар. Сандиночилар Миллий озодлик фронти миллий раҳбарлик органининг аъзоси Генри Руис Эрнандес бошчилигида расмий дўстона визит билан Вьетнамга келган Никарагуа делегацияси ҳам митингда қатнашди. Вьетнам халқи Никарагуага нисбатан Америка империализмининг агрессив сиёсатини қатъиян қоралайди, деб таъкидланди нутқларда.

● БРАЗЗАВИЛЬ

Конго Халқ Республикасининг ҳукумати мамлакат қишлоқ хўжалигини экономиканинг юксак даражада тараққий этган, маҳсулдор тармоғига айлантириш ҳамда озиқ-овқат билан ўзини ўзи таъминлашга эришишни кўзловчи ҳаракатларни кучайтиримоқда. «Этумба» газетасининг хабар беришича, бу ерда қишлоқ хўжалиги миллий кенгашини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Конго Меҳнат партияси марказий комитети Сиёсий бюросининг бевосита раҳбарлигида амал қиладиган кенгаш аграр секторнинг ривожланиши билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этишни ўз қўлига олади.

Ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан деҳқонларнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида кофе, какао, маккажўхори, шоли ва бошқа бир қанча экин маҳсулотларининг давлат харид нархлари 10—20 процент оширилди.

(ТАСС).

ЖИЗЗАХЛИК ПАХТАКОРЛАР ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ДАЛАЛАРИДА

28 ИЮЛЬ куни областимизга мусобақадош Жиззах областининг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари келишди. Область партия комитетининг секретари А. Т. Турдиқулов бошчилиқ қилаётган бу бригада составида партия, хўжалиқ раҳбарлари, агросаноат бирлашмаси вакиллари, илғор пахтакорлар ва чорвадорлар бор. Улар айни кунларда областимиз деҳқонлари ва чорвадорларининг пахтазорларда, сабзавот майдонларида, боғ ва токзорларда ҳамда фермалардаги фидокорона ишларини таъкидлаш билан биргаликда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан бир қатор кўрсатма ва маслаҳатлар бердилар. Илғор тажрибаларни ўз хўжаликларида қўлланиш учун ёзиб олдилар.

* * *

Шу куни Жиззах областининг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Оққўрғон, Оҳангарон, Бекобод, Бўстонлиқ, Бўка, Ғалаба, Калинин, Коммунистик, Орджоникидзе, Паркент, Пискент, Тошкент, Чиноз ва Янгийўл районларининг пахта далаларида, чорвачилик фермаларида бўлдилар.

Тошкент область партия комитетида мусобақадош Жиззах области ўзаро текшириш бригадаси иши якунлари кўриб чиқилди.

СУРАТДА: Жиззах область Октябрь райони ўзаро текшириш бригадаси аъзолари Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози далаларида.

А. Мальцев фотоси.

ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

Тошкент шаҳар партия активининг 26 июль куни бўлиб ўтган йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми якунлари ва пленум қарорларини бажариш юзасидан республика пойтахти партия ташкилотининг вазифалари муҳокама этилди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин доклад қилди.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

РЕДАКТОРЛАР СЕМИНАРИ

Тошкент область партия комитети ва Ўзбекистон Журналистлар союзининг Тошкент ташкилоти шаҳар ва район газеталари редакторларининг семинар-кенгашини ўтказди. Унда область партия комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев КПСС Марказий Комитети июнь (1986 йил) Пленумининг материалларини пропаганда қилиш, меҳнаткашларни ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш юзасидан оммавий ахборот воситаларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Шаҳар ва район газеталари фаолиятини яхшилаш тўғрисидаги КПСС Марказий Комитетининг қарори асосида матбуотга партия раҳбарлигини такомиллаштириш хусусида «Мухбир» — «Корреспондент» журнали бош редактори А. Муҳаммаджонов доклад қилди.

Семинар қатнашчилари маҳаллий газеталарнинг партия ва хўжалик ишини қайта қуриш, фан-техника тараққиёти, иқтисод ва тежамкорлик масалаларини қандай ёритаётганликлари билан танишдилар. Шу масалалар бўйича «Ленинчи» (Калинин райони), «Коммунизм тонги» (Орджоникидзе райони) ва «Ангренская правда» газеталарининг фаолияти, Янгийўл ва Чиноз районлари радиоэшиттиришлари таҳлил қилиб берилди.

Семинар-кенгаш ишида республика нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг раиси, Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси раиси С. Ш. Қурбонов қатнашди.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/«Ташкентская правда»/
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД
КЎЧАСИ, 32



Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750, БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги навбатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

Р—08888. Б.—08892. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12